Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

O'ZBEKISTAN OVOZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 26 февраль, шанба № 49—50 (21.654). Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, кичик корхоналар, айниқса, қишлоқ жойларда шундай корхоналар барпо этишни рағбатлантириш, шунингдек, тақчил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ташкил этишдан корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш ҳамда истеъмол бозорини шундай моллар билан тўлдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йилнинг 1 январидан шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудида янги барпо этилаётган (жумладан, 1994 йилнинг 1 январигача ташкил қилинган) ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариб, уни қайта ишлайдиган ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва ҳунармандчилик корхоналари учун барча турдаги солиқлар ва бюджетга тўловларнинг амалдаги миқдорлари уч йил муддатга 50 фоиз камайтирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, халқ истеъмол қиладиган ғоят тақчил озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари (спиртли, спиртсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотидан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ташкилотлар даромад солиғини амалдаги миқдорга нисбатан 30 фоиз камайтирилган миқдор бўйича тўлайдилар.

3. Корхоналарнинг:

Иловага мувофиқ кундалик эҳтиёж маҳсулотларининг физик ҳажмларини ўстиришдан олган даромадлари солиқдан озод этилсин.

Рақобатга бардошли маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришдан олган даромадлари икки йил муддатга солиқдан озод этилсин.

4. Мулкчилик шаклларидан қатъий назар (спиртли, спиртсиз ичимликлар, заргарлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб, чиқарувчи корхоналар бундан истисно) акциз солиғининг бир қисми корхоналар ихтиёрида қолдирилиб, ана шу маблағлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга сарфлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда акциз солиғи миқдорларини белгилаш ва қайта кўриб чиқиш ҳамда корхоналар ихтиёрида қолдириладиган улушни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги билан келишган ҳолда солиқ олишда мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар муносабати билан бюджетга тўловлар бўйича корхоналар ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоблар тартибини ишлаб чиқсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари — молия вазири ўртоқ Б. С. Ҳамидов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 24 февраль.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

РЕСПУБЛИКА КОРХОНАЛАРИДА УЗЛАШТИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЧОҒИДА ИМТИЁЗЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИГАН ЭНГ ЗАРУР ВА ХАРИДОРГИР МОЛЛАР РЎЙХАТИ

Энг оддий рўзғор ва хўжалик моллари
Боғ-полиз асбоблари ва анжомлари
Қулф-халқа буюмлари
Рўзғор асбоблари
Кимё-бўёқчилик моллари
Мўйқалам-чўтка буюмлари, жумладан, ўқувчилар учун мўлжалланганлари
Идоравий моллар
Мактаб анжомлари ва ускуналари
Болалар ўйинчоқлари, қўғирчоқлар ва арча безаклари
Болалар техника ижодкорлиги буюмлари
Ёзув қоғозлари
Электр-иситиш асбоблари ва буюмлари
Электр ускуналари
Электр-рўзғор асбоби
Шахсий гигиена учун энг зарур атторлик моллари
Атторлик ёрдамчи ашёлари
Хотин-қизлар буюмлари
Халқ бадиий ҳунармандчилик буюмлари
Рўзғор эҳтиёжлари учун сантехника буюмлари
Металл буюмлар, шуруп ва михлар, бошқа маҳкамлаш буюмлари
Рўзғор сув иситкичлари, иситиш асбоблари ва радиаторлар
Маҳаллий хом ашё ва ёғочсозлик чиқиндиларидан тайёрланадиган тахта

ЭСЛАТМА: юқорида кўрсатилган молларнинг кенг турларини «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда белгилайди.

ЮКСАК МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Республика фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашида 25 февраль куни шу кенгаш раиси Бектош Раҳимовга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғини топшириш маросими бўлди. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан кўп йиллик самарали хизматлари ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этаётгани учун шу мукофотга сазовор бўлган эди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков Президентимиз номидан Б. Раҳимовни юксак мукофот билан табриклаб, унга Фахрий ёрлиқ, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг табрикномаси ва эсдалик совғасини топширди.

Мукофотни топшириш маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

(ЎзА).

АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР ДАВРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқи жойларда қизғин муҳокама қилинмоқда. Вазирликлар, вилоят ва туман ҳокимликларининг мутасадди ходимлари бевосита хўжаликларга чиқиб Президентимиз нутқида белгилаб берилган вазифалар ижроси билан шуғулланмоқдалар.

Кеча Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида фаоллар йиғилиши бўлиб, унда бу борадаги вазифалар ҳақида сўз борди. Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзоси, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Эрдош Аҳадов кун тартибидаги масала бўйича маъруза қилди. Туманнинг илғор фермери Достон Болтаев, «Пахтакор» ширкатлар уюшмаси раиси Ширинбой Яҳёев ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Тўлаган Набиев иштирок этди.

• Олтин медаль муборак!

ЎЗБЕКИСТОН ДОВРУҒИНИ ОШИРГАН ҚИЗ

Норвегияда олимпиада чемпиони шарафига мамлакатимиз байроғи кўтарилиб, давлат мадҳияси садолари янгради

Мустақил Ўзбекистон жаҳон бўйлаб яна бир карра овоза бўлди. Спорт журналистлари, минглаб шарҳловчилар радио ва телевидение орқали чиқишларда Ўзбекистон ва унинг пойтахти Тошкент номларини тилга олдилар. Рўзномаларда мамлакатимиздан вакил бўлиб борган чанғичининг ютуғи ҳақида қайдномалар босилди.

Юртимиз довруғини жаҳонга таратган бу моҳир спортчини мухлислар яхши билишади. Спортга келбатли, абжир ва чаққон тошкентлик чанғичи бугунгача мамлакатимиз шарафини турли давлатларда муносиб шарафлашга эришган. У халқаро тоифадаги спорт устаси, жаҳон чемпиони ва жаҳон кубоги соҳиби бўлиш учун ўзининг бутун маҳоратини ишга солиб, ғолиблик супасига кўтарилган кезларда Франция, Италия, Швейцария, АҚШ ва Канада мамлакатларида Ўзбекистоннинг ой-юлдузли байроғи кўтарилиб, мадҳияси чалинган.

Линанинг бу сафарги ютуғи ҳаммасидан эиёда бўлди. Боиси олимпиадачи бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Зотан чанғичимизнинг чемпионликка астойдил даъвогарлик қилиши унинг ғалабага бўлган ишончидан далолат эди. Умуман, бу қиз ўзининг иродали, қўрқмас ва дадил чанғичи эканини илгари ҳам намойиш этган. Хусусан жаҳон кубоги учун баҳсда кутилмаганда йиқилиб, оёғидан жароҳатланишига қарамай, курашни давом эттириб, муддаосига эришиши жаҳон мухлису, мутасаддиларини лол қолдирганди.

Чанғичимиз олимпиада баҳсларига алоҳида ҳозирлик билан борганди. Ўзбекистон олимпиадачиларининг 7 нафарли жамоаси орасида Линага кўпроқ умид боғлангани ҳам бежиз эмас. У ёғини сўрасангиз ҳаммаси биринчи марта бўлаётгани учун ҳам ишқибозу мутахассисларни андак ҳаяжон босди, десак муболаға бўлмас, Зеро, Линанинг устози Дмитрий Ковунов олимпиададан қуруқ қайтмаслигига имони комил эди. Шундай бўлди. Лина Черязова Лиллехаммер шаҳрида ўтказилаётган қишки олимпиаданинг чемпиони номига сазовор бўлиб, мухлисларимизни беҳад қувонтирди. Одатга кўра чемпионни мухбирлар ўртага олиб, саволга тутишди:

— Катта спортга қандай кириб келгансиз?

— Болаликда спорт гимнастикаси билан шуғулланганман. Кейин болалар ва ўсмирларнинг қишки спорт турларига ихтисослаштирилган республика олимпиада ўринбосарлари мактабида маҳорат оширдим.

— Тор чанғи спортининг Тошкент мактаби ҳақида нималар дея оласиз?

— Истиқлол юртимизда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор берилади. Жанубий, қолаверса, серқуёш ўлка бўлишига қарамай, спортнинг қишки турларини оммавийлаштириш, моҳир спортчилар тарбиялаш учун шароитлар етарли. Бизнинг Чимён ва Билдирсой қияликларини қалин қор босганда, унинг мафтункор табиати чанғичиларга жуда маъқул келади, деб ўйлайман.

— Кўпроқ нимани ёқтирасиз?

— Парвозни!

Чемпионимиз парвоз сўзини шунчаки тилга олгани йўқ. Чунки, у бир неча йиллардан бери ана шундай завқдан баҳраманд. Умуман олганда қор босган қиялик бўйлаб чанғида шитоб билан учаётган қизнинг махсус тайёрланган тўсиққа «уриliши», баландга «учиши» ва муаллақ ҳолатда ўз гавдасини акробатларга хос бир неча бор айлантириб, яна мувозанатга қайтиб ҳаракатини давом эттиришини кўз олдингизга келтиринг-а. Лина спортнинг ана шундай мураккаб тури бўйича машқини тобига етказган. Унинг ҳаракатлари, тиниқсиз машқлари ўз самарасини берди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўз жамоаси билан қишки олимпиадада мустақил равишда биринчи марта қатнашди. Ваҳолонки, спортнинг фристайл тури олимпиада дастурига биринчи марта киритилган эди. Лина Черязова эса олимпиаданинг биринчи чемпиони бўлди. Ҳа, унинг ғалабаси олимпиада тарихи саҳифаларига қайд этилажак.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

О. У. САЛИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Оқил Умурзоқович Салимов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ж. А. АБДУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Жўра Абдуллаевич Абдуллаев бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Мусулмон халқлари учун муқаддас Рамазон ойида Сиз жаноби олийларига самимий табрикларимни йўллар эканман, Оллоҳ таолодан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст ўзбек халқига тараққиёт, фаровонлик ва равнақ ато этишини сўрайман.

Биродарингиз
Миср Араб Республикаси Президенти
Муҳаммад Ҳусни МУБОРАК.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИРОДАРИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Рамазони Шариф бошланиши муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий қутловларимни йўллашдан мамнунман.

Рамазони Шариф ойи эзгулик ва фаровонлик билан бошланиб, барча аҳли мўминга тинчлик ва қувонч бағишласин, деб Оллоҳу таолодан илтижо қиламан.

Сиз жаноби олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман.

Абдулла бин Абдул Азиз ал САУД,
тахт вориси,
Вазирлар Кенгаши Раисининг муовини, Миллий гвардия бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИРОДАРИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Рамазони Шариф бошланиши муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий қутловларимни йўллашдан мамнунман.

Рамазони Шариф ойи эзгулик ва фаровонлик билан бошланиб, барча аҳли мўминга тинчлик ва қувонч бағишласин, деб Оллоҳу таолодан илтижо қиламан.

Сиз жаноби олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман.

Абдулла бин Абдул Азиз ал САУД,
тахт вориси,
Вазирлар Кенгаши Раисининг муовини, Миллий гвардия бошлиғи.

ЎҚИШ МАВЗУСИ: ИҚТИСОД, ИСЛОҲОТ ВА ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Ўқув марказида шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котиблари навбатдаги гуруҳининг ўқув машғулотлари ниҳоясига етди.

Тингловчилар ҳузурида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби А. Жалолов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б. Эшонов, Марказий Кенгаш бўлим мудирлари ҳамда «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррирлари Азим Суюн ва О. Саидов сўзга чиқдилар.

Тошкент тошқи иқтисодий алоқалар уюшмаси бош директори Ҳ. Абдуллаев ҳамда шу уюшма бош менежери Б. Зуфаров «Тошқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишдаги тажрибалар» мавзусида тингловчилар билан мулоқот ўтказишди.

Ўқув машғулотлари қатнашчилари Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида бўлиб, бу ерда мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш, Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси ишлаб чиқариш корхоналарининг, тумандаги Ўзбекистон — Туркия «Бурсел» қўшма корхонаси ва бошқа кичик корхоналарнинг қишлоққа саноатни жалб этиш, аҳолини иш билан таъминлаш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги тажрибалари билан танишдилар.

Шунингдек, ўтган йили мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан ташкил этилган ва ҳозирда Ўзбекистонда чорвачилик ҳамда картошкачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган Голландиянинг «АЭС» фирмасида ўтказилган амалий давра суҳбатида қатнашдилар.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани партия кенгашида бўлиб ўтган мулоқотда тумандаги иқтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда партия ташкилотларининг ўрни, бу борадаги тажриба ва муаммолар хусусида гап борди.

Тошкент тумани партия кенгашида бўлган учрашувда Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш, халқимизнинг азалий анъаналари, удумлари, қадриятларини тиклаш ҳамда ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида туман ва Ғ. Абдуллаев номли ижара-ширкат жамоа хўжалиги партия ташкилотлари олиб бораётган ишлар ҳақида сўз борди.

Тингловчилар пойтахтдаги йирик саноат корхоналаридан бири — «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдилар. Фирма раҳбари А. Тошпўлатов корхонада жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган маҳсулотнинг дастлабки туркуми ишлаб чиқарилиб, хорижга сотилаётгани, бундай маҳсулотни кўп миқдорда тайёрлашни йўлга қўйиш учун меҳнат жамоаси катта куч-ғайрат сарфлаётгани ҳақида сўзлаб берди.

Машғулотлар сўнггида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов ўқув машғулотларидан асосий мақсад — партия ходимларининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш, иқтисодий тафаккур доирасини кенгайтиришдан иборат эканлигини айтди. Юртбошимиз И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқидаги йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча қабул қилган қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳақидаги қарорларини ҳаётга татбиқ этишда партия ташкилотларининг ўрни ва вазифалари ҳақида алоҳида тўхталди, улар фаолиятини, ташаббускорлигини кучайтириш борасида тегишли маслаҳатлар берди.

ОЛИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаолияти кучайиб, жамиятдаги мавқеи мустаҳкамланган сари унинг дастурий ғоялари ва сиёсатига қизиқувчилар кўпаймоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг турли қатламларга мансуб кишилар — зиёлилар, деҳқонлар, хизматчилар, тадбиркорлар билан партиямиз раҳбарлари, фаоллари учрашувларида бу нарса яқол намоён бўлмоқда. 25 февраль куни шундай учрашувлардан бири Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби А. Жалолов институт илмий ходимларига партиямизнинг мақсади ва мафкуравий сиёсати, амалий ишлари ҳақида ҳикоя қилди. Нотиқ республикамиз Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда ўтказилаётган туб ислоҳотлар ва уларни чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида гапирди, тингловчиларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Ана шундай учрашувлар туфайли Ўзбекистон ХДПга хайрихоҳлар кўпайиши муқаррардир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЎРМОН ҚЎМИТАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ФАХРИЙЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ УЮШМАСИ КЕНГАШИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА

МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Мамлакатимизда кейинги бир-икки йил ичида иқтисодий-сиёсий соҳаларда бир неча ўн йилликларга татигулик ишлар амалга оширилди. Аммо эски тузумдан қолган кўплаб муаммолар иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлашга монелик қилмоқда. Уз ечимини кутаётган ана шундай долзарб муаммолардан бири — мамлакат халқ хўжалигини ва аҳолини ёғоч-тахта билан таъминлаш масаласидир. Ўзбекистоннинг йиллик ёғоч-тахта эҳтиёжи 10 млн. куб метрни ташкил этади. Бунинг деярли ҳаммаси илгари Россиядан ташиб келтирилар эди.

Бироқ, хўжалик ва иқтисодий алоқаларнинг заифлашганлиги, нархларнинг ошиб кетганлиги туфайли шунингдек, бизга боғлиқ бўлмаган бошқа объектив ва субъектив сабабларга кўра мамлакатимизга четдан ёғоч-тахта олиб келиш кескин қисқарди. Кўпгина қурилишлар, мебель саноати ёпилиш арафасида турибди. Ёғочсозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча камайди. Хуллас, бу борадаги аҳвол ўта жиддий тус олди.

Масалани ечишнинг тўғри йўлларидан бири — ўз ички имкониятларимиздан, табиий-иқлим шароитимиздан тўғри фойдаланиб, дарахтзорларни кенгайтиришдан, ўрмонлар барпо этишдан иборатдир. Агар, биз бу борадаги ишларни тўғри йўлга қўя билсак, яқин йиллар ичида мавжуд муаммоларни ҳал қилишимиз мумкин.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 февралда қабул қилинган тераклчилик соҳасини, саноатини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этиш чора-тадбирлари ҳақидаги қарори ҳаммамиз учун муҳим воқеа бўлди. Ушбу қарорнинг келажакда мамлакатимизнинг ёғоч мустақиллигини таъминлаш ва экологик аҳволни яхшилаш учун мустаҳкам замин ҳозирлашга қатъий ишонамиз.

Қарорда кўрсатилганидек, биринчи навбатда ҳар йили 10 минг гектар ерда саноатбоп ёғоч етиштирувчи алоҳида ихтисослашган теракзорлар барпо этиш лозим. Бунга қўшимча равишда йўл ёқалари, ариқ ва зовур бўйларига, умуман айтганда имконият бўлган барча ерларга тез ва тўғри ўсувчи теракларнинг яхши навларидан экишни ташкил қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Агар биз ҳар йили 10 минг гектардан теракзор барпо этсак, бу ўн йилда юз минг гектарга етади. Учинчи йилда эса, биринчи ўн минг гектар теракзор қурилишга ишлатишга ярайди. Бу иш босқичма-босқич олиб борилса ва ҳар йили ўртача бир гектар ердан беш юз куб метр атрофида ёғоч олинса, жами ҳар йили ўн минг гектар ерда беш млн. куб метр ёғоч тайёрлаш мумкин. Бу ҳозирги нархларда икки ярим трлн. сўмга етар. Агар бу ёғоч саноатида қайта ишланса яна беш-олти баробар ортиқ даромад олинади.

Натижада, қоғоз, мебель, гугурт ишлаб чиқариш саноатидаги ҳом ашё етишмовчилигига барҳам берилади ва минглаб хил халқ эҳтиёжи товарлари ишлаб чиқаришга имконият яратилади.

Масаланинг иккинчи бир муҳим томони шундаки, мамлакатимизда аҳоли жон бошига 0,05 гектар ўрмон тўғри келади, ваҳолонки, экологик мувозанатни сақлаб туриш учун камида ҳар бир киши ҳисобига 0,30—0,40 гектар ўрмон, мевали боғлар тўғри келиши керак. Чунки атроф-муҳитдаги заҳарли микробларни, чанг-тўзонларни дарахтзорлардан бошқа ҳеч нарса йўқотолмайди, заҳарли карбонат ангидридни ютиб, соф кислород чиқара олмайди.

Шу жиҳатдан ҳам бу қарорни бажариш жуда муҳим ва зарурдир.

Азиз ватандошлар!

Қадимда ҳам ота-боболаримиз бошқа ёқлардан ёғоч-тахта ташиб келтирмаганлар, ҳаммаси ўз тупроғимизда етиштирилган. Терак, қора тол, тут, шум тол, ёнғоқ, қайрағоч, қарағайлардан фойдаланилган. Чунки, бу дарахтларнинг ёғочи четдан келтирилаётган ёғочларнинг чидамлилиги, ташқи чиройлилигидан асло қолишмайди.

Иккинчидан, бундай дарахтлар бизнинг иқлим шароитимизда тез ўтилади. Россия ўрмонларида ўсадиган дарахтлар 50—60 йилда вояга етса, бизда ўсадиган тераклар 8—10 йилда, тут, ёнғоқ, Сурхон воҳасида ўсадиган элдор қарағайи 15—20 йилда етилади.

Азиз ватандошлар!

Юртимизда шундай битмас-туганмас бойликни яратиш имкони мавжуд экан, вақтни асло бой бермай дарахтзорлар барпо этишга киришайлик, умид билан экилган ҳар бир ниҳолни авайлаб парваришлаш чораларини кўрайлик.

Донишмандлар, «Агар ёруг дунёда ўзингдан яхши ном қолдирай десанг, кўчат эк!» деб бежиз айтишмаган. Инсофли ва диёнатли одам бир дарахтни кесишдан олдин ўнта кўчат экади, дейди доно халқимиз.

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси келажак авлодимиз учун битмас-туганмас бойлик манбаини яратишдек бу хайрли ишдан четда қолмаслиги зарур.

Мустақил давлатимиз сарҳадларини яшналикка бурканш, унинг ҳар бир қарич тупроғини ўрмон ва боғ-роғларга, обод масканларга айлантиришга ҳисса қўшиш — қалбида шу заминга фарзандлик туйғуси бўлган ҳар бир кишининг виждон ишига, юрак амрига айланади, деб умид қиламиз.

Давлат ўрмон қўмитаси.
Фахрийлар кенгаши.

• ХДП: котиблар иш тажрибасидан

Гуландом СУБҲОНОВА:

«ТУШУНТИР—ТУШУНСИН, ИШОНТИР—ИШОНСИН»

Гуландом Субҳонова 1950 йилда Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида деҳқон оиласида туғилган. У Сирдарё Давлат муаллимлар тайёрлаш институтини тугатиб, рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси мутахассислигини олган. Гуландом ўз соҳаси бўйича ишламаган бўлса-да, комсомол, партия, ижроия қўмита аппаратларида фаолият кўрсатди. 1984—87 йилларда Москвадаги Ижтимоий фанлар академиясининг аспирантурасида таҳсил олиб, номзодлик диссертациясини ёқлади. Жиззах вилояти партия, ижроия қўмиталарида ишлади. Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашининг V пленумида партия вилоят кенгашининг биринчи котиблигига сайлангунга қадар эса Жиззах вилоят ҳокимининг муовини лавозимида ишлаган.

Вилоятдаги 606 та бошланғич, 643 та цех ташкилоти ўз сафларига 18 минг 580 нафар ХДП аъзосини бирлаштирган. Ҳозир партияга ўтишни хоҳловчилар сафи кенгаймоқда.

— Гуландом Субҳоновна, таржимаи ҳолингизга назар ташласак, Сиз поғонама-поғона турли вазифаларда ишлаб, ўз тажрибангизни бойитгансиз. Аммо, вилоят партия кенгашининг биринчи котиблигини бажариш аёл киши учун оғирлик қилмайдими? Бу масъулиятли вазифани қабул қилишдан чўчимадингизми?

— Албатта, менга билдирилган юксак ишонч ортида катта масъулият борлигини ҳис қилардим. Халқимизда «чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди» деган гап бор. Тўғри, менинг ишга киришишим қийин дамга тўғри келди. Мени, аввало, ишни нимадан бошлаш кераклиги кўпроқ қизиқтирарди. Дастлаб, партия фаолларини, фахрийларни чақириб, бир пиёла чой устида атрофлича маслаҳатлашиб олдик.

— Ҳа, кексалар, фаоллар кўмакка киришганда ҳар қандай иш амри вожиб бўлишига имкон туғилгандай бўлади. Лекин, биринчи котиб бўлиб сайланганингизда бунинг ўзи камлик қилиши ойнадек равшан эди.

— Тўғри, шу боис ҳам биз тарғибот-ташвиқот ишларини бош вазифа, деб билиб, кўпроқ омма ўртасига кириб боришга ҳаракат қилдик. Шиоримиз: «Тушунтир — тушунсин, ишонтир — ишонсин». Маҳаллаларда, хонадонларда, ётоқхоналарда, барча бошланғич партия ташкилотларида тарғибот ишларини самарали олиб боришимиз аҳоли турли қатламларини бизга яқинлаштирди. Халқимиз орасида елкасига давр юкини ортган одамлар жуда кўп. Нафақадаги ўқитувчи Қипчоқ Исмоилов, Жиззах шаҳридаги Навоий номли маҳалла қўмитаси раиси Низом Сувонқулов бугун ҳам катта таъсир кучига эгадирлар. Улар ўзларининг чиқишлари билан одамларни, ёшларни завқли меҳнатга чорлай биладилар, ўз ортларидан эргаштира оладилар. Биз ташвиқотда кўпроқ ўқитувчилардан, зиёли, зукко мутахассислардан ва раҳбар партия аъзоларимиздан фойдаланиш орқали партиямиз нуфузини орттиришга, Президентимиз Фармонларини, сиёсий-ижтимоий ҳаётимиздаги ўзгаришларни халққа етказишга ҳаракат қиляпмиз. Асосий таянч бошланғич партия ташкилоти эканлиги назаримиздан четда қолгани йўқ.

— Кейинги пайтда вилоят партия кенгаши фаоллари туманларда тез-тез бўлиб, учрашувлар ташкил қилаётган экан, бу қандай самара беряпти?

— Дарҳақиқат, ўз фаолиятимизда асосий эътиборни шаҳар, туман кенгашларига, бошланғич партия ташкилотларига амалий-услубий ёрдам кўрсатишга қаратмоқдамиз. Шуни назарда тутиб, туманларга чиқиш дастурини тузганмиз. Унга биноан вилоят партия кенгаши масъул ходимлари ҳафтанинг уч куни жойларда бўлишади. Кенгашлар, бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотлари фаолияти ўрганилади, тегишли амалий ёрдам берилади. Ҳозирга қадар Жиззах шаҳри, Зафаробод, Пахтакор, Жиззах туманларидаги 86 та бошланғич партия ташкилотининг фаолияти ўрганилди. Уларга тегишли амалий ёрдам кўрсатилди.

Бу танишув шуни кўрсатмоқдаки, айрим бошланғич партия ташкилотлари иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Котиблар эса хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараб келишаётган экан. Кўпгина ташкилот, хўжалик раҳбарлари ҳам партия ташкилотига панжа орасидан қараб келишган. Фаолларимизнинг жойларда бўлиши эса юқоридаги нуқсонларга батамом чек қўйди, дейиш мумкин. Ташкилот, хўжалик раҳбарлари билан бўлган яккама-якка мулоқотларда салбий муносабатлар ижобий томонга ўзгариб боряпти. Учрашувларда партия сафига киришга қизиқувчилар кўп эканлиги маълум бўлиб қолди. Ўтган йили вилоятда партиянинг ҳудудий ва касбий-ҳудудий тузилмалари сони икки баробар ошди.

— Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкураси талаблари асосида ишлаш қандай йўлга қўйилган?

— Партиямизнинг Миллий истиқлол мафкурасини халққа тушунтириш борасида аниқ режа тузиб, муайян ишларни амалга оширмоқдамиз. Вилоят партия кенгашига аъзо бўлган раҳбарлар, партия фаоллари жамоа, корхона ва муассасаларда бўлишиб, суҳбатлар ўтказишмоқда. Шундай суҳбатлар якунда Жиззах, Пахтакор, Зафаробод туманларининг ташкилотлари ва хўжаликларида ўтказилди. Вилоятимиздаги ҳар бир партия ташкилотининг иш фаолиятида Миллий истиқлол мафкураси муҳим ўрин тутади. Бевосита ўтказилаётган мулоқотлар, самимий билдирилаётган фикр-мулоҳазалар, албатта, ўз самарасини беради, деб ўйлаймиз.

— Вилоятда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда туман партия кенгашларининг ўрни қандай?

— Албатта, шаҳар, туман партия кенгашларида, йирик бошланғич партия ташкилотларида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг кадрлар сиёсати ва унинг асосий йўналишлари муҳокама қилинмоқда. ХДП аъзолари бўлган ходимларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш масаласи ҳокимликлар билан ҳамкорликда бамаслаҳат ҳал этилмоқда. Масалан, вилоят партия кенгашида ишлаб келган С. Ҳазратқулов ҳозир вилоят ҳокимлиги ташкилий ишлар бўлимининг етакчи мутахассиси, Жиззах шаҳар партия кенгаши собиқ биринчи котиби М. Юсупов эса вилоят ҳокимлигининг ишлар бошқарувчиси, шунингдек, вилоят партия Кенгаши ташкилий ишлар бўлими бошлиғи Э. Абдухалиловнинг Зомин туман ҳокимлиги ташкилий ишлар бўлим мудири этиб тайинланиши ҳам ана шу ҳамкорлигимиз натижасидир. Бундай мисолларни туман ва хўжаликларда ҳам кўплаб келтириш мумкин. Демак, партия етакчиларига, унинг ҳар бир аъзосига бўлган ишонч ҳам ошиб боряпти.

— Миллий истиқлол мафкурасида: «Соғлом авлодни шакллантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш, ёш оилаларнинг оёққа туриши ҳамда мустаҳкамланишини доимий қўллаб-қувватлаш, «Оила равнақи — жамият, равнақи» эканлигини ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим қондаси, деб билиш» илгари сурилган. Қолаверса, бу йил «Оила йили» эканлиги маълум. Бу борада вилоят партия Кенгаши нималарни амалга оширяпти?

— Хизмат юзасидан жуда кўп оилаларда бўламиз. Албатта, халқимиз меҳнаткашлиги, меҳмондўстлиги, оритлилиги билан ажралиб туради. Оиладаги тотувлик — юртдаги тотувликдир. Шундай экан, оиланинг мустаҳкам бўлиши учун жамики яхши анъаналаримизни тарғиб қилиш, амалий ишлар олиб бориш лозимдир. Вилоят Кенгаши бу борада махсус режалар тузган. «Оила йили» муносабати билан вилоят партия кенгашининг «Истиқбол сари» газетаси саҳифаларида «Намунали оилалар ҳақида ҳикоялар», «Оила қуришда ёшлар», «Оилада бола тарбияси» каби рукнлар остида мақолалар бериб бориш мўлжалланган. Шунингдек, жойларда вилоят соғлиқни сақлаш, халқ таълими бошқармалари, барча жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қизиқарли, мазмунга бой тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган.

— Партия ташкилотларининг молиявий аҳволини яхшилаш борасида туманларда ибрат олса арзигулик ишлар борми?

— Ҳар бир тадбир, кеча ва учрашувни ўтказиш учун маблағ керак бўлиши, шубҳасиздир. Вилоятимиздаги Зарбдор, Бахмал, Ғаллаорол, Пахтакор туман кенгашлари ўз ҳисобларини маблағ билан тўлдиришда бошқаларга намуна бўляпти. Вилоят партия кенгаши қошида «Барака» корхонаси тузилганлиги туман кенгашларига кичик корхона тузиш ёки ер олиб деҳқончилик қилиш имконини туғдирди. Шу боис, молиявий аҳвол юқоридаги туманларда кўнгилдагидек, дейиш мумкин.

— Партия нуфузини оширишда яна нималарга эътиборни қаратиш керак, деб ўйлайсиз?

— Ўтган йили барча даражадаги ноибларнинг 94 нафари ХДП сафига кирди. Шаҳар, туман партия кенгашлари пленум ва ижроия бюро мажлисларида, бошланғич, цех партия ташкилотлари йиғилишларида 294 нафар халқ ноибининг ҳисобот ва ахборотлари эшитилди. Биз бу йил ҳам ноиблар, партия фахрийлари, маҳалла оқсоқоллари, фахрийлар, хотинқизлар, Ёшлар Иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, иш олиб борамиз.

— Ўзбекистон ХДПнинг Дастурида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш муҳим вазифа сифатида қўйилган. Вилоят партия кенгаши бу борада қандай хайрли ишларни амалга оширяпти?

— 1993 йил партиямиз қаддини тиклаб олиши учун оғир ва кўп ишларни қилишни тақозо этган бўлса-да, етим-есирларга, ногиронларга, боқувчисини йўқотган қарияларга, вилоят бўйича жами 1000 нафардан ортиқ кишига кийим-кечак, пойабзал, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Икки мингдан ортиқ фахрий, ногирон ва ёлғиз кишиларнинг оилалари аҳволидан хабар олиниб, яшаш шароитлари ўрганилди. Уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Вилоят кенгаши олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларига 1000 дона ноёб китоб тақдим этди. 120 нафар талабага турли миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Дўстлик, Мирзачўл, Фориш туманлари партия кенгашлари аълочи ва фаол ўқувчиларга ойлик стипендиялар ташкил қилишган.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят Кенгашининг «Истиқбол сари» ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий газетаси ҳақида нималар дея оласиз?

— Газетамиз 1992 йилнинг январь ойидан чиқа бошлади. Ҳозир у нафақат партия ходимлари, балки вилоятдаги ҳар бир кишининг энг яқин маслакдошига айланган. Газетанинг ижодий жамоаси партия ҳаёти билан бирга ёш истеъдодларни элга танитиш ва бошқа мавзуларда кўплаб ўқимишли мақолалар бериб боряпти. Албатта, вилоятимиздаги фаоллар, ишбилармонлар, концернлар уни қўллаб-қувватлашмоқда. Партиямиз обрўсини оширишда газетанинг хизмати бор.

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз? Бадиий адабиётга, санъатга муносабатингиз қандай?

— Бўш вақтнинг ўзи жуда кам. Очиғини айтсам, охирги икки йил давомида ўқиган бадиий китобларим айтарли даражада кўп эмас. Вилоят театрида кўрган спектакллар ҳам бармоқ билан санарли. Озгина вақт топсам ўғлим Беҳзоджонга талпинаман. Санъатга, маданиятга эътиборни кучайтириш, китобдан йироқлашмаслик ҳар биримиз учун муҳимдир. Аммо, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши котиби учун кўпроқ ички партиявий ишларга аҳамият бериш, юртбошимиз юритаётган оқил ва одил сиёсатни халқ онгига сингдиришдан муҳими бўлмаса керак.

Республика Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш жараёнида партия ташкилотлари тузилмаларини сайлов мавзеларида тузиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш борасида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Вилоятда 307 ёки 49,7 фоиз бошланғич ташкилот 335 та яъни 52 фоиз цех партия ташкилоти бевосита халқ ноиблари вилоят ва туманлар кенгашларига сайлов ўтказувчи ҳудудлар доирасида фаолият юритишмоқда.

Яқинда Хоразм вилояти кенгашлари иш фаолияти билан яқиндан танишдик. Тажриба алмашиб, билимимизни бойитдик. Кадрлар сиёсатига жиддий эътибор бериб, қўпгина кадрларимизни ўзгартирдик. Ешлардан партия ишига астойдил қизиқувчан кишилар ҳисобига сафларимизни тўлдирдик. Мақсадимиз — ҳамиша ғайрат-шижоат билан ишлаш.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА: Гуландом Субҳонова билан суҳбатлашганимизда унинг партия учун чин дилдан қайғуришини ҳис этдик. У Ўзбекистон ХДПнинг катта сиёсий кучга эга эканлигига ишонади. Унинг шу ишончи боис вилоят партия кенгаши у етакчилик қилган қисқа вақт ичида омма ўртасида нуфузини орттирди.

Халқимизда: «Тушга ишонганнинг умри уйқуда ўтар» деган ҳикмат бор. Қайтариб бўлса ҳам айтай, Гуландом Субҳонова тушга, олди-қочди гапларга ишонавермайди. Фақат меҳнат орқали партиянинг обрўсини ва нуфузини ошириш, халқнинг ишончини қозонишга ишонади. Шунинг учун ҳам Гуландом опа ҳеч қачон меҳнатдан, қийинчиликдан чўчимайди. «Сени иш енгмасин, сен ишни енг» деб олдинга интилади.

Суҳбатдош: Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сирдарё вилоятида «Марказий Осиё» деб номланган акционерлик корпорацияси ташкил этилгач, 600 дан ортиқ киши иш билан таъминланди. Шуниси қувончлики, январь ойида тикувчи аёлларнинг ойлиги 350 минг сўм-купондан ошиб кетди. Айниқса Сайхунобод қишлоғида ташкил этилган «Чевар» акционерлик жамиятининг жамоаси катта ютуқларга эришмоқда. Унинг асосий акцияларини ака-сингил Фозиловлар сотиб олишди. Шундан сўнг фабрикада маҳсулот ишлаб чиқариш кескин кўпайди. Январь ойининг ўзида 400 миллион сўм-купонлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

СУРАТЛАРДА: 1. Цех бошлиғи Рисолат Фозилова, «Марказий Осиё» корпорациясининг раиси Ғулом Фозилов ва цех бошлиғи Ўткир Фозилов янги технологик жараённи муҳокама қилишмоқда. 2. Тикувчилар бригадаси бошлиғи Манзура Ғаниева.

Б. ТЎРАЕВ олган суратлар (ЎзА).



ИШДА ҚЎНИМ БЎЛСА...

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк, манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Наманган шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасини ҳам қувонтириб юборди.

Яқинда бўлиб ўтган бирлашма бошланғич партия ташкилоти йиғилишида Фармоннинг аҳамияти ҳақида гапирилди. Айниқса, сўзга чиққан бирлашма бош директори А. Убайдуллаев, бошланғич партия ташкилоти котиби Б. Турдибоев, директор ўринбосари Ғ. Убайдуллаевлар ушбу Фармондан келиб чиқиб аниқ вазифалар белгилаб олиш, иш суръати ва сифатига эътиборни кучайтириш, жаҳон андозаларидан қолишмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкинлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда бирлашманинг етти нафар ёш, илғор ишчиларига Ўзбекистон ХДП билетлари тантанали равишда топширилди. Сўзга чиққанлар йил давомида қатъий интизом билан ишлашга бел боғладилар. Ишда қўним бўлса, унум ҳам бўлишини улар яхши биладилар.

Турғунбўлат СУЛАЙМОНОВ.

ПАРТИЯВИЙ ТОПШИРИҚ

Ҳўш, партиявий топшириқнинг ўзи нима? Қайси мақсадда у партия аъзосига берилади? Бунинг устига «топшириқ» сўзидан буйруқбозликнинг ҳиди келмаяптими? Ёхуд бу ўринда ўтмишдаги ҳолат такрорланмаяптими?!..

Бу саволларга Қизилтепа туманидаги «Бўстон» ижара хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг котиби Бурҳон Ҳосилов қуйидагича жавоб қилди:

— Ҳар қандай шароитда, жумладан, кўппартиялилик даврида ҳам партиявий топшириқ бўлади ва у ҳар қандай партия аъзосига берилади. Жумладан, ХДПда ҳам шундай. Бироқ бу топшириқнинг КПСС давридагидан фарқи, у эркин тарзда, аъзонинг қобилияти, ташкилотчилик ва ташаббускорлиги ҳисобга олинган ҳолда берилади. Бу ўринда аъзонинг хоҳиш-ихтиёри, имконияти ҳам тўлиқ ўрганилади.

Масалан, бошланғич ташкилот котиби 351 нафар ХДП аъзосининг айтарли ҳаммасига ҳам; «уни қиласан, буни қиласан» дея аниқ кўрсатма бермаган. Аммо вазиятдан, ижара хўжалигидаги муҳит ва шароитдан, ишлаб чиқаришдаги аҳволдан келиб чиққан ҳолда асосий кўпчилик аъзоларга у ёки бу тартибдаги партиявий топшириқлар берилган. Бу ўринда кўпинча шахсий ташаббускорлик, сиёсий дунёқараш, билим ва тажриба ҳисобга олинган. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам билиш мумкин. Салим ота Каримов қарийб қирқ йил давомида бригадирлик, бўлим бошлиқлиги вазифаларида ишлади. Аниқроғи, Тошрабодда донгдор пахтакор, уста деҳқон тарзида шуҳрат қозонди. Ҳудди шу ғайрат-шижоати боис кексалик нафақасига чиққач ҳам тинч ўтирмади. Янги ер очиб боғ-чарбоғ қилди. Чойхона ва ошхоналар қурдирди. Ана шу ташкилотчиликлари сабаб хўжалик партия ташкилоти котиби Б. Ҳосилов отахонни тез-тез йўқлаб, маслаҳатлашиб туради. Ҳудди шундай котибнинг ишбилармонлиги, узоқни кўра билиши эвазига хўжаликнинг энг қўзга кўринган оқсоқоллари, фаоллари — Латиф Шарипов, Ҳошим Раупов, Душан Худойбердиевларга ҳам маҳаллалар ишини яхши йўлга қўйиш, кўчаларни номлаш, ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланиш каби партиявий топшириқлар берилган.

— Котиб Бурҳон Ҳосилов менинг зиммамга хўжалик чорвачилик мажмуини газлаштириш, механизациялаш, чорва озуқаси тежамкорлигини таъминлаш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишларини партиявий топшириқ тарзида юклаган, — дейди бош чорвашунос, ХДП аъзоси Ато Файзиев. — Тўғри, бу ишлар раҳбар сифатида менинг бурчим саналади. Бироқ, котиб уларни топшириқ тарзида зиммамга юкладими бамайлихотирликдан йироқ бўлишим, ишга амалий ёндашишим керак. Ана шу масъулиятни тўла ҳис этишдан бўлса керак чорвачилик мажмуи тўлиқ газлаштирилди ва оғир иш жараёнлари автоматик бошқариш йўлига ўтказилди. Бу эса чорва маҳсулдорлигининг ошишига олиб келди.

— Менга асосан кичкинтойлар тарбияси ва «Нилуфар» доимий болалар боғчасида муаммолар ечимини ҳал этиш партиявий топшириқ сифатида юклатилган, — дейди тарбиячи Гулноз Бозорова.

Ҳа, бу сингари илиқ фикрларни Вали Ҳакимов, Нурхон Бердиева сингари партия аъзоларидан ҳам эшитиш мумкин. Улар ҳам ўзларига берилган партиявий топшириқларни беками-кўст, виждонан бажаришяпти. Яна бир қатор ХДП аъзолари, ташаббускор зиёлилар борки, котиб уларга фақат тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйишни партиявий топшириқ қилиб берган. Бу ўринда Ал-Хоразмий номли ўрта мактаб директори, малакали педагог Рамазон Шамсиевни кўрсатиш мумкин.

У биргина мактабда, хўжалик трактор паркида ёки маҳаллаларда эмас, аксинча бўлим ва бригадаларда, пудратчи ҳамда ижарачи звеноларда ҳам бўлиб, кенг тушунтириш ишларини йўлга қўймоқда. Бу ўринда сиёсий билим, рўзнома ва ойномаларни доимий равишда мутоала қилиш, кўргазмали қуролларга таяниш Рамазон акага жуда қўл келади.

Яна Рамазон Шамсиев сингари изланувчан тарғиботчилар қаторига 8-мактаб директори ўринбосари Нурали Чўлиевни, хўжалик ҳисобчиси Муҳиддин Ботировни, касаба уюшмаси раиси, ижроия бюро аъзоси Файзулла Бозоровни ҳам қўшиш мумкин. Улар ҳам мунтазам далаларда, чорвадорлар ҳузурида, жамоат жойларида бўлишиб, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Истиқлол мафкураси — истиқбол мафкураси», «Орол муаммоси ечимини топмоқда», «Бозор муносабатлари ва туб ислоҳот», «Хусусийлаштириш — давр талаби» сингари мавзуларда мароқли суҳбат ва лекциялар уюштиришмоқда.

Хуллас, ХДП Дастури ва Низомидан келиб чиққан ҳолда хўжаликда иш тутилаётган бўлса керак, партия аъзолари сони бу ерда тобора ошиб боряпти. Яқинда ташаббускор, изланувчан ёшлар ҳисобидан олти нафари ХДП аъзолигига қабул қилинди. Улардаги ғайрат-шижоатни, уддабуронликни сезган котиб Бурҳон Ҳосилов дарҳол уларга имкониятларидан келиб чиққан ҳолда партиявий топшириқлар берди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚЎШНИЛАР ТАШРИФИ

Андижонликлар вилоят жамоалараро кенгаши, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, 2-автокорхона, кўп тармоқли вилоят болалар шифохоналарида бўлишиб, бошланғич партия ташкилотлари олиб бораётган ишлар, партия ташкилоти ходимларининг жиҳозланиши, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш масалалари билан танишдилар.

Қўшни — Андижон шаҳар партия кенгашининг бир гуруҳ вакиллари тажриба алмашиш мақсадида ХДП Наманган шаҳар кенгашига ташриф буюрдилар.

Меҳмонлар ҳузурида сўзга чиққан вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби А. Фаёзов партия ташкилотларида олиб борилаётган ишлар, шаҳар кенгаши фаолиятидаги ижобий ўзгаришларга тўхталди.

ҚОНУНЛАР ЎРГАНИЛДИ

Норин тумани партия кенгаши тузган тадбирга кўра, Ҳаққулобод шаҳри ҳудудидаги фуқаролар йиғини раислари, мактаб директорлари ва фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирокида семинар ўтказилди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунлар ўрганилди.

Унда туман ва шаҳар партия кенгашларининг котиблари — А. Қўчқоров, Я. Ҳожиевалар сўзга чиқишди. Мулоқот иштирокчилари семинарда фаол иштирок этиб, фойдали фикрлар билдиришди.

Раҳимжон ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН— ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ

Бугунги кунда жамиятнинг изчил ривожланиши учун халқ ва ҳокимият орасида ўзаро ишонч, уйғунликнинг таъминланиши бениҳоят улкан аҳамиятга эгадир. Мамлакатимиз халқ ноиблари Олий Кенгаш сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун худди ана шу мақсадни кўзлайди, халқ ва ҳокимият идоралари фикрининг бир жойдан чиқиши учун замин тайёрлайди. Конституциямизга кўра Олий Мажлис — олий вакиллик ва ягона қонун чиқарувчи орган, яъни парламентдир. Олий Мажлис давлатимиз тараққиёти қай йўлдан боради ва қай даражада манфаатимиз билан ҳисоблашади, деган саволга — қабул қилинажак қонунлар орқали бевосита таъсир ўтказади. Халқ ва ҳокимият уйғунлигини таъминлайди. Шу нуқтан назардан қараганда, мустақил республикамиз ўз тарихий ривожланишидаги ўтиш даврини бошидан кечираётган бир пайтда Олий ҚОНУНЧИЛИК ОРГАНИГА сайловлар фуқароларимиз олдига улкан масъулиятни юклайди.

Зеро, якка фикрликка ўрганиб қолган, фуқаролик муносабатлари етарли даражада шаклланмаган жамиятда хилма-хил ғоялар ва қарашлар, сиёсий дастурлар орасидан энг муносибини танлаш, халқ фикрини ифода этишга даъвогарлик қилувчилар орасидан энг халқпарварини сайлаш осон иш эмас.

Сайловлар тўғрисидаги қонун, фикри ожизимизча, юқорида кўрсатилган муаммоларни имконият даражасида ифодалаган.

Энг биринчи навбатда шарқона анъаналар ҳамда халқимизнинг миллий руҳиятидан келиб чиқиб — давлатнинг жамиятдаги ўрни бениҳоят катта аҳамият касб этишини ёритган. Жумладан, Қонуннинг 20-моддасидаги қоидага кўра, сиёсий партиялар билан бир қаторда вилоят халқ депутатлари кенгашлари ҳам Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Қонуннинг 25-моддасида сиёсий партиялар депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотида мавжуд конституциявий тузумга, миллатлараро муносабатларга, мамлакатнинг бирлигига путур етказувчи ташвиқот юритиши қатъиян ман қилинади. Бу қоида ҳам ўз навбатида республикамиздаги ижтимоий барқарорликнинг сақланишига хизмат қилгани ҳолда, мавжуд иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб олий қонунчилик органига тасодифан ўтиб қолиши мумкин бўлган «сиёсатдон»ларнинг фаолиятини чеклайди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг яна бир ижобий томони шундаки, ушбу қонуннинг 2-моддасида мамлакатимизнинг аксарият аҳолисини ташкил қилган ёшларга ҳам ўрин берилган. Ушбу моддадаги қоидага кўра 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқароси сайлаш (актив), 25 ёшга тўлган шахс эса сайланиш (пассив) сайлов ҳуқуқига эгадир. Шак-шубҳасиз бу қоида салоҳияти ўткир ва иқтидорли ёшларга давлатни идора этишга ўз ҳиссасини қўшишга имконият яратади.

Шунингдек, мазкур қонунда Олий Мажлис депутатлигига номзод қандай талабларга жавоб бериши кераклиги тўғрисидаги қоида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, қонуннинг 23-моддасига кўра депутатликка номзод ҳарбий, миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари бўлиши мумкин эмас. Ҳукумат аъзолари, судья (қози)лар, Бош прокурор ва прокуратуранинг мансабдор шахслари, вазирликлар, маҳкамаларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ижроия ҳокимиятнинг мансабдор шахслар (вилоят, шаҳар ва район ҳокимларидан ташқари)Олий Мажлис депутатлигига сайланган тақдирда эгаллаб турган вазифасидан озод қилиниш тўғрисидаги аризани ёзгандан кейин Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олиниши мумкин. Ушбу қоиданинг асосий мақсади — ижроия ва қонун чиқарувчи тизимлар функциялари бўлиниши тўғрисидаги қоидани таъминлаш ҳамда олий қонун чиқарувчи органни мумкин қадар малакали, тажрибали, ўзини халқ хизматига бахшида этган иқтидорли шахслар билан бойитишни назарда тутгандир. Бу илғор замонавий талабларга жавоб бера оладиган парламентнинг шаклланиши учун имкон яратади.

Мазкур қонуннинг 46-моддасида, сиёсий партиялар вакилларининг депутатликка сайланиши учун Олий Мажлис депутатларини рўйхатга олишдаги 5 фоизли тўсиқ ҳақида сўз боради. Хўш, 5 фоизли тўсиқ нимани кўзда тутади? Бу қоиданинг энг асосий вазифаси, юқорида таъкидлаганимиздек — Олий вакиллик ва ягона қонун чиқарувчилик органига сайланиш учун маълум бир чекланган ҳудудда, алоҳида сайлов округидаги ютуқ эмас, балким бутун республикадаги сайлов округлари бўйича аксарият сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашга эришмоқ лозимлигини таъкидлайди. Беш фоизли ўтиш даражаси, республикамиздаги у ёки бу партия қай даражада халқимиз орасида ҳурматга сазовор эканлигини намойиш этади ва шу билан бирга парламентга номақбул шахсларнинг келиб қолишига қарши бир восита вазифасини ўтайди.

Парламент тизими фаолият кўрсатаётган дунё мамлакатларида сайловларнинг молиявий таъминоти биринчи даражали аҳамият касб этиб келган. Шунинг учун бизнинг сайлов тўғрисидаги қонунимизда бу ниҳоятда новик масалага алоҳида эътибор берилган. Сайловларда иштирок этаётган ҳар бир партия вакиллари учун бир хил шарт-шароит яратиш мақсадида ва сайлов кампанияси давомида суиистеъмолчиликнинг олдини олиш учун давлат ушбу қонуннинг 49-моддасига биноан сайлов харажатларини ўз зиммасига олади. Бошқа манбалар томонидан депутатликка номзодларнинг молиявий таъминотини ман қилади. Бу қоида халқимиз феъл-атвори, руҳиятига ниҳоятда мос келади. Ҳар хил «олғирлар»нинг нопок йўллар билан ҳокимият тепасига келиб қолишига тўсиқ яратади.

Вақт олий ҳакам деганларидек сўзсиз ушбу таҳлил қилинган қонунимиз ҳам давр ва ҳаёт синовидан ўтиб такомиллашиб бораверади. У Ватанимиз истиқлоли мустаҳкамланишининг пойдеворларидан бири бўлиб хизмат қилиб, фуқаролик жамияти томон яна бир қадам олға ташлашимизга имконият яратади. Парламент минбари эса сиёсий партиялар учун жамият ривожланишининг долзарб муаммоларини бўйича ўз нуқтаи назарини ҳаётга татбиқ этиш — сайловчилар хоҳиш-иродасини амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

С. МЕҲРИДДИНОВ,
снёсатшунос.

• *Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда айтилди*

САНОАТ ҚИШЛОҒИ ҚУРМОҚЧИМИЗ

ДЕЙДИ ОЛТИНСОЙ ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ КУРСАТАЁТГАН КУП ТАРМОҚЛИ «ҒОЛИБ» ХУСУСИЙ ФИРМА ДИРЕКТОРИ ИЎЛДОШ ТУРДИЕВ.

Бир пайтлар «социалистик» сўзини тилдан туширмасдик. Кейинроқ ана шу ибора заминида «Социалистик мусобақа ғолиби» деган гап пайдо бўлди. Ҳар қалай бу сўзлар ўз вақтида рағбатлантириш маъносида яхши ишлашга даъват этган бўлиши мумкин. Лекин меҳнатни янгича ташкил этишда, ишга муносабатни тубдан ўзгартиришда «социалистик мусобақанинг» таъсири сезилгани йўқ. Тағин билмадик. Яна бир нарса, тузум одамларни қолипга солиб қўйганди. Бу юриш-туришимиз, ҳар бир ҳаракатимизда ўз аксини топди. Натижада боқибегамлик, «давлат боқади» деган кайфият пайдо бўлди. Ишлаб чиқаришнинг баъзи соҳалари таназзулга юз тутди. Маҳсулотлар жаҳон бозорида ўтмай қолди.

Энди эса замон ўзгарди. Тўғри, иллатлардан бутунлай халос бўлишимиз учун вақт керак. Шундай бўлсада эмин-эркин меҳнат қилишга йўл очилди. Сўнгги пайтларда юртбошимиз ва ҳукуматимиз чиқарган фармону қарорлар диёримиздаги ишбилармон, тадбиркорлар кўнглини тоғдек кўтарди, десак муболаға бўлмас.

Бундан сурхондарёлик тадбиркор Йўлдош Турдиевнинг ҳам қувончи чексиз.

— Президентимизнинг шу йил 21 январда чиқарган «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонини сўзсиз инқилобий ҳужжат деб баҳолайман, — дейди Йўлдош Турдиев. — Таъбир жоиз бўлса, Фармон шарофати билан оёғимиздаги кишандан халос бўлдик.

Дарвоқе, қаҳрамонимизни яқиндан таништирсак. Йўлдош Турдиев Сурхон воҳасида етишиб чиқаётган тадбиркорлардан бири. Асли Олтинсой туманининг «Хўжасоат» хўжалигидан.

Одамзоднинг яшириниб ётган имкониятлари ниҳоятда катта. Лекин ҳамиша ҳам худо берган ақл ва кучимизни қаерга сарф қилишни билмаймиз. Очиғи, шу пайтгача ялқовлик, ишёқмаслигимиз туфайли биримиз икки бўлмади. Изланиш, ўрганиш, имкон топиш ўрнига ваъзхонлик қилдик. «Олма пиш, оғзимга туш» — биз қарийб шу даражага етгандик.

Мустақилликка эришганимиздан кейингина кўзимиз очилиб, ўз қунимизни ўзимиз кўришимиз кераклигини тушундик. Гап шундаки, Йўлдош Турдиев ҳам яқин вақтларга қадар давлат идорасида ишларди. Маоши ҳам тайин эди. Хуллас, саккиз соатлик иш кунини ўтказиб юрганди. Юртбошимизнинг «тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар очинглар» дея қилган даъватидан сўнг обдон ўйлаб кўриб «маоши тайинли» идорадан кетди. Кичик корхона очди. «Ғолиб» дея унга ном ҳам берилди. Мазкур корхона 1993 йили хусусий фирмага айлантирилди.

— Йўлдош ака, киши бирор ишга қўл урар экан, ўз олдига қандайдир мақсад-вазифа қўяди. Шу нуқтаи назардан кичик корхона очишдан муддаонгиз нима эди?

— Бир туртки сабаб шу ишни бошладик. Президентимиз раҳмат, эмин-эркин меҳнат қилишимиз учун имконият яратиб беряпти. Кичик корхона очиш олдидан олдимга битта мақсадни қўйдим: «Хўжасоат»ни саноатлашган қишлоққа айлантириш. Қолаверса, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан иш ўринларини кўпайтиришни ҳам режалаштиргандим. Бугунга келиб айтишим мумкин, ниятим қарийб амалга ошди. Яқинда бўлиб ўтган республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида Президентимиз Ислом Каримов жуда тўғри гапларни айтдилар. У кишининг «Биринчи навбатда саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб келишимиз, маҳсулотни қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қишлоқ заминига жойлаштиришимиз керак» деган гаплари кўнглимизни тоғдай кўтарди.

— Эшитишимча, ўтган йили 600 миллион сўмлик қурилиш қилибсизлар. Демоқчиманки, шунча маблағни қаердан оляпсизлар?

— Бошида айтиб қўяй. Давлатдан бир тийин ҳам қарз олганимиз йўқ. Барча харажатлар ўзимизнинг ҳисобдан бўлди. Қарамоғимдаги 400 бош қўй, 70 бошга яқин қорамолни ҳамда «ГАЗ—24» «Волга» автомашинамни сотиб корхона қурилишига сарф этдим. 1993 йилнинг ўзида бир мавсумда 12 минг тонна узумни қайта ишлайдиган вино заводи (қадоқлаш цехи билан), лаборатория, сауна комплекси, икки қаватли маъмурий бино, 1000 тонналик спирт омбори, ошхона ва бир неча дўконлар қурилди. Хуллас, тармоғимизни муттасил кенгайтириб боряпмиз. Вино заводи қурилиши ўтган йили бошланиб ўша йили ишга туширилди. Ана шу корхонамизнинг ўзида қарийб 1000 тоннага яқин узум қайта ишланди.

— Корхона учун ускуналарни қаердан оляпсиз?

— Майиз, олма қоқилари-ни айирбошлаш йўли билан Бошқирдистон ва Украинадан вино заводи учун ускуна ҳамда идишлар олиб келинди. Кези келганда айтиб ўтай. Банкдан пул ўтказгандан кўра мол айирбошлаш афзал экан. Қўшимча сифатида яна бир нарсани таъкидламоқчиман. Биз сотиш билан шуғулланмаймиз. Ўзимиз ишлаб чиқарган, тайёрлаган маҳсулотимизни сотамиз.

Дарҳақиқат, «Ғолиб» фирмасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Ҳозир у тўққиз тармоқ бўйича фаолият кўрсатаётир. Бугунги кунда фирма 2 миллиард сўмга яқин асосий восита ва маҳсулотга эга.

Бундай катта ҳажмдаги ишни тегишли корхона ва вазирликнинг ёрдамисиз амалга ошириш қийин, албатта. Сир эмас, ишбилармонлар кўпинча бюрократлардан нолишади. Шу хусусда Йўлдош Турдиевнинг фикрини билмоқчи бўлдик.

— Тўғри, баъзида бир иш учун ҳафталаб сарсон бўламиз. Лекин улар саноқли. Бизга холисона ёрдам кўрсатаётганлар кўп. Жумладан, чет эл билан ҳамкорлик қилишимизга кўмак бераётган Республика ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Хом ашё» фирмаси раҳбари Комил Ҳошимов ва шу фирма ходими Ўткир Юсуповлардан, «Тадбиркор» банки раиси Алижон Юсупов ҳамда «Тадбиркор» банки Сурхондарё бўлими бошлиғи Баҳриддин Саломовлардан жуда миннатдормиз. Чунки, улар бизнинг ишларимизга амалий ёрдам бераётирлар.

Жамоа аҳли нафақат тайёр маҳсулот ишлаб чиқармасдан, балки корхонага зарур бўлган хом-ашё узум ва олмани ҳам ўзлари етиштирмоқчи.

Йўлдош аканинг айтишича, «Хўжасоат» хўжалигида ҳар гектардан 41—45 центнердан узум олиняпти. Агар фирма аъзолари маълум майдондаги боғни ижарага олса икки йил ичида ҳосилдорлик 130—200 центнерга етказилади. «Хўжасоат» қишлоғи аҳолисини ичимлик суви масаласи қийнаб келарди. «Ғолиб» фирмаси бу муаммони ҳал қилди. Сувга ёлчимаган хўжасоатликлар энди артезиан қудуғи сувидан баҳраманд бўлишаётир. Фирма бош директори Йўлдош Турдиевнинг ташаббуси билан бозор қурилиши бошлаб юборилди. Бундан аҳоли мамнун. Чунки, бозор ишга тушгач, одамларнинг узоққа боришига ҳожат қолмайди. Йил охирига бориб қиймати беш миллиард сўмлик бўлган 200 ўринли замонавий касалхона қурилишига киришилади.

Энди бевосита жорий йил ишлаб чиқариш режаларига келсак, жамоа 5 минг тонна узумни қайта ишлайди. Шунинг 500 тоннаси майиз қилинади, қолгани вино тайёрлашда ишлатилади. Бундан ташқари, минг тонна қовун қоқи, 100 тонна ерёнғоқ мағизи тайёрланади. Йил охирига қадар фирмага қарашли магазинлар сонини 20 тага етказиш мўлжалланган. Агар вино заводи тўла ишга тушса, йилнинг иккинчи ярмида 500 киши иш билан таъминланади. Фирма аъзолари ғишт тайёрлаб сотишни ҳам ният қилганлар. Ҳатто, валюта ишлаш мақсадида Тошкентда дўкон очишмоқчи. Мана сизга ишбилармонлик.

Кўп тармоқли «Ғолиб» хусусий фирма фаолияти билан танишиб хаёлимизга «Қани энди юртимизда шундай элга қайишадиган тадбиркорлар, ишбилармонлар кўпайса» деган фикр келди. Ана шундай кишилар иқтисодимизни юксалтиради. Чунки, хусусийлаштириш, мулкни ҳақиқий эгасига топширишда гап кўп экан.

— Тадбиркорлар, ишбилармонлар қандай фазилатга эга бўлиши керак? — дея сўрайман Йўлдош Турдиевдан.

— Биринчи навбатда лафзида туриши лозим. Тадбиркор юксак маданиятли, орномусли бўлиши ҳам зарур. Негаки, у энди чет элларга Ўзбекистондан вакил бўлиб боради. Шунинг учун юртимиз фаровонлиги йўлида хайрли ишга бел боғлаган ҳар бир киши лафзли ва маданиятли бўлишини хоҳлардим. Саноат қишлоғи қуришни мақсад қилиб қўйган эканман, ана шу икки нарсага ҳамиша риоя этишга интиламан.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мух бири.

• *Иштиёқмандга иш топилади*

ФОЙДАНИНГ ЕТМИШ ФОИЗИ ЖАМОАНИКИ

Аҳолини иш билан таъминлаш — иқтисодий ислоҳотнинг муҳим шартларидан бири. Бусиз, фаровонликка эришиб бўлмайди. Хўш, бу борада Шофиркон туманида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Қувонч билан таъкидлаш жоиз, туман ҳокимлиги вилоятда биринчи бўлиб ишчи ўринлари яратиш ташаббуси билан чиқди. Бунга қишлоққа саноатни олиб кириш йўли билан эришилмоқчи.

Туман марказида ип йигирув фабрикаси тезкор суръатда қуриляпти. Корхона ишга тушгач, қишлоқ қизларидан 200 нафари фойдали меҳнат билан банд бўлишади.

Туманда қўшма корхоналар очишга ҳам эътибор қаратиляпти. Жумладан, Бобур номли жамоа хўжалигида Туркиянинг «Бурсел» фирмаси билан ҳамкорликда «Вардонзе» қўшма корхонаси ташкил этилмоқда. Ҳар сменада 400 киши ишлаши мўлжалланаётган бу корхонада ускуналар ўрнатилиши тугалланмоқда.

Фирма билан тузилган шартномага мувофиқ, қўшма корхонадан олинадиган фойданинг 70 фонзи жамоа хўжалиги ҳисобига келиб тушади. Бунинг учун жамоа хўжалиги корхонани пахта толаси билан таъминлаб бориши керак. Корхона йилига 2 миллион эркаклар кўйлаги ишлаб чиқаради.

Охунбобоев номли жамоа хўжалигида тикувчилик цехи фаолият кўрсатабошлади. Цехга Россиянинг Владимир вилоятидаги Струма тўқимачилик корхонаси билан ҳамкорлик эвазига асос солинди. Айни кунларда бу ерда 20 га яқин ишчи халқ истеъмоли моллари — чойшаб, сўзана, болалар кўйлаклари, хотин-қизларнинг устки кийимлари тикилмоқда.

Туман ҳокимлигида маълум қилишларича, бултур 1380 ўринга 1491 та ишчи ўринлари очилган. Шундан 34 киши янги қурилган корхоналарга, 672 киши эса ўринларни кенгайтириш, 32 киши кичик корхоналар,. 60 киши фермер хўжаликлари ҳисобига иш билан таъминланган. 380 киши томорқада шартнома асосида ишлаб маҳсулот етиштириш, 281 киши якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мирзачўл туманидаги Абай номли ширкатлар уюшмасининг чорвачилик фермаси яқинда хусусийлаштирилди. Жами 1100 бош қорамол Раҳмон Исломов раҳбарлигидаги жамоага ўтди. Айни кунларда чорвадорлар қишловни намунали ўтказишмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. «Барака» деб номланган хусусий ферма молбоқари Эшонқул Облоқулов, ферма раҳбари Раҳмон Исломов ва молбоқар Худойберди Давронов. 2. Илғор молбоқарлардан Аҳмад Сабриев ва Ғайрат Жанабоев.

Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.

• *Мутахассис мулоҳазаси*

АРПА ЭКИБ, БУҒДОЙ КУТМАНГ

ЕКИ ПАХТА УРУҒЧИЛИГИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ҲАҚИДА

Республикамизда тайёрланаётган пахта толасининг сифати ҳам, миқдори ҳам кўп жиҳатдан экилаётган пахта навлари ва уруғига боғлиқ.

Маълумки сўнгги йилларда навлар тури кўпайиб кетди. Албатта, бир жиҳатдан нав қанча кўп бўлса шунча яхши. Чунки танлаб, энг яхшисини экиш мумкин. Лекин уларни оммавий экиш тола сифатига салбий таъсир кўрсатади. Сабаби навлар аралашиб, софлигини йўқотиши мумкин.

1994 йилда Сурхондарё вилояти хўжаликлари кўп нав экишда бошқаларга «ўрнак» бўлишди. Ангор туманидаги Азизов номли жамоа хўжалиги «Термиз—24», «Термиз—16», «Юлдуз» навларини, Жарқўрғон районидаги «Шарқ Юлдузи» жамоа хўжалиги «Термиз—16», «Наманган—77», «Юлдуз» навларини, Қизириқ районидаги «Истара» давлат хўжалиги «Термиз—16», «Юлдуз», «Бухоро—6», «Андижон—60» «Термиз—24» навларини экишган бўлса, Музрабод районидаги «Советобод» хўжалигида 6 нав, яъни «Термиз—16», «С—7603», «Термиз—24», «С—6524», «Бухоро—6», «Ч—3019» навлари экилди.

Кўп нав экишда Наманган вилояти хўжаликлари ҳам орқада қолишмаяпти. Поп туманидаги «Водий» давлат хўжалигида бир йўла «С—6524», «108—Ф», «АН—510» навлари, Чортоқ туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида «Наманган—1, «Наманган—77», «С—6037», «С—6530», «Қирғиз—3» навлари парваришланди. «Москва» колхозининг жами пахта майдони 500 гектарни ташкил қилади. Лекин жамоада ҳар 100 гектар майдонда биттадан, яъни 5 та нав ўстирилди.

1993 йилда жумҳуриятимизда 40 та хўжалик, 2 та ва ундан кўп ғўза навларини жойлаштиришган. Фарғона, Сурхондарё вилоятлари хўжаликларида бу кўрсаткич 70 фоизни, Жиззах, Сирдарё вилоятларида 60 фоизни ташкил этади. Хоразм вилоятининг 70 фоиздан ортиқ туманларида 4 тадан ортиқ ғўза нави экилган.

Ғўза навларини шу тариқа жойлаштириш, нав тозалигини таъмин эта олмайди. Чунки, бир неча хил пахта ҳосили 1 та тайёрлов пунктига топширилиб, пахта тозалаш заводида қайта ишланса ва уруғлик чигит экишга тайёрланса, нав тозалиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Амалда турли навлар чигитларини алоҳида-алоҳида сақлаш имконияти йўқ.

Ана шуни назарда тутиб, агар юқоридаги мисолларга эътибор берадиган бўлсак, кўп ҳолларда ингичка толали, ўрта толали ёки учинчи, тўртинчи, бешинчи ҳатто олтинчи тип толали навлар битта хўжаликда экилиши уларнинг чигити, толаси бир-бирлари билан аралашиб кетмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Зеро, пахта толамизнинг жаҳон бозоридаги ўрни экилаётган навларимизга ва уларни қандай тайёрланаётганлигига боғлиқ.

Юқоридаги салбий ҳолатларга барҳам бериш мақсадида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 14 январда «Пахтанинг районлаштирилган ва истиқболли навларини экиш ҳамда республика хўжаликларини 1994 йил ҳосили учун сифатли уруғлик билан таъминлаш ҳақида» махсус қарор қабул қилди. Унда ҳар бир вилоятда 3—4 тадан, туманларда иккитадан ва хўжаликларда фақат битта нав экиш лозимлиги алоҳида уқтириб ўтилди ва жами республика бўйича 30 та ғўза нави ўрнига 19 нав экилиши белгилаб берилди.

Шунингдек, қарорда қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг бўлинмаларига жойларда пахтанинг истиқболли, эртапишар навларини кенг жорий қилиш ва уларни минтақаларнинг табиий иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда экиш вазифаси қўйилди. Уруғчилик пахта селекцияси билан ишлаб чиқаришни бир-бири билан боғлаб турувчи жабҳадир.

Ишлаб чиқаришга жорий қилинаётган янги ғўза нави, экилаётган навга нисбатан ҳосилдорлиги юқори бўлиши, вилт, гоммоз, илдиз чириш касалликларига чидамли, кўсаклари тез очилиши, эрта пишарлиги, тола чиқиши 39—40 фоиз, чигитдан чиқадиган ёғ миқдори кўп бўлиши ва толасининг сифатига кўра устунроқ бўлиши даркор.

Бундан ташқари, янги ғўза нави сувсизликка, шўрга, иқлимлилиги, баргининг ўз-ўзидан тўкилиши сингари хусусиятлари билан ҳам устун бўлиши керак. Агар биз тола чиқиши атиги бир фоизга ошишини таъминласак ҳам қўшимча 14—15 минг тонна тола олишимиз ёки бўшаган 20—25 минг гектар ерга ем-хашак, сабзавотлар экишимиз мумкин. 1994 йилда ғўзанинг серҳосил, тезпишар, тола чиқиши юқори бўлган «Юлдуз», «Наманган—77», «Фарғона—3», «С—6530», «Термиз—24» навларини кенг миқёсда экиш режалаштирилган.

Ғўза навларининг узоқ йиллар экилиши, ишлаб чиқаришда сифат кўрсаткичларининг ошиши кўп жиҳатдан элита уруғлик хўжаликлари иш фаолиятига боғлиқ. Ҳозир республикамизда 60 та элита уруғчилик хўжаликлари районлаштирилган ғўза навлари уруғини, 7 та элита уруғчилик хўжалиги эса янги ва истиқболли ғўза навларини олдиндан уруғини кўпайтириш билан шуғулланмоқда.

Элита уруғчилик хўжаликларининг асосий вазифаси ғўзанинг нав тозалигини таъминлаш, уларнинг қимматли хўжалик белгилари ва толанинг технологик хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда элита ва биринчи репродукцияли уруғлик чигитни тайёрлашдан иборадир. Ҳар бир элита хўжалиги, фақат битта районлаштирилган ғўза навини экади, бошқа навни экиш қатъиян тақиқланади. Бироқ, айрим хўжаликлар уруғчилик ишлари қоидасини бузмоқдалар.

Ўтган йили, Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги элита уруғчилик хўжалиги «С—9070» ғўза навини чигитини кўпайтириш билан бирга «Юлдуз» навини ҳам экиб, бу муҳим қоидаги риоя қилмадилар. Косон элита хўжалигида эса «108—Ф» ва «Термиз—16» ғўза навларини экишди.

Кўпинча вилт билан кучли зарарланган тупроқларга уруғлик чигит экишга йўл қўйиляпти. Оқибатда, катта миқдордаги вилт билан касалланган ўсимликларни даланинг ўзида юлиб ташлашга тўғри келяпти. Шу билан бир қаторда, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида уруғлик чигит етиштириш тартибқоидаларига риоя этилмаслиги оқибатида юқори репродукцияли, уруғлик чигитни тайёрлаш яхши йўлга қўйилмаган.

Уруғчилик хўжаликлари одатда тупроқ-иқлим шароитлари яхши, деҳқончилик маданияти юқори бўлган жойларда ташкил этилиши керак. Бунинг учун уруғчилик хўжаликларини биринчи навбатда етарли миқдордаги ўғитлар, сув ресурслари билан таъминлаш зарур. Уруғлик чигит экилган майдонларда кўчат сони тўлиқ бўлишига алоҳида эътибор бериш лозим. Уруғчилик хўжаликларида агротехника тадбирларини тўғри, юқори савияда олиб борилиши мутахассислар малакасининг юқори бўлишига ҳам катта боғлиқдир.

Ўтган йили вилоятларда ўтказилган уруғчилик ходимларининг аттестацияси натижалари шуни кўрсатадики, уруғчилик хўжаликлари ходимларининг билими етарли эмас. Шунингдек, улар навларни бир-биридан белгилари асосида ажрата олмайдилар, уруғчилик методикасини тўлиқ ўзлаштирмаганлар. Хусусан, бу борада Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида катта камчиликлар бор.

Бунинг асосий сабабларидан биттаси, элита уруғчилик хўжаликлари ва пахта уруғчилик лабораториялари ходимларининг ойлик маошлари пастлигидир. Шу сабабли ходимлар тез-тез алмашиб туради. Бу ўз навбатида эса кўп йиллар давомида ишлаб, катта тажрибага эга бўлган мутахассислар бошқа ишларга ўтиб кетишига олиб келяпти.

Бунга чек қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг юқорида айтиб ўтилган қарорида элита ва уруғчилик лабораториялари ходимларига қўшимча ҳақ бериш кўзда тутилган.

Айни кунларда пахтакор хўжаликларни уруғлик билан ўз вақтида таъминлаш учун пахта тозалаш заводларида иш қизғин. Яъни 1—1,5 ой мобайнида керакли миқдордаги уруғликни тайёрлаш, шунинг 170 минг тоннасини тозалаб, саралаш, 23,2 минг тоннасини туксизлантириш, 100 минг тоннасини касаллик ва зараркунандаларга қарши дорилаш каби муҳим тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Афсуски кейинги йилларда уруғлик чигитнинг анчагина қисми дориланмай экилаётганлиги туфайли ғўза гоммоз касалига чалиняпти. Бу эса толанинг сифати ва миқдорига таъсир этмоқда. Шунинг учун жорий йилда олдинги хатоларнинг такрорланмаслиги ғоятда муҳимдир.

Деҳқонларимиз аввалу азалдан уруғни саралаб экишган. Бу чигитнинг тўла униб чиқиши ва ниҳолларнинг баравж ривожланишини таъминлаган.

Ҳозир вилоят ҳудудларида «пахтасаноатсотиш» бирлашмалари заводларининг деярли ҳаммасида уруғлик чигит саралайдиган агрегатлар ўрнатилган. Лекин ҳамма жойда ҳам бундай агрегатлардан унумли фойдаланилмаяпти. Натижада 10—14 фоиз майда уруғлик чигит экишга юборилмоқда. Пахта тозалаш заводларининг бошлиқлари ва мутахассислари давлат андозасида кўрсатилган даражадан паст бўлган уруғлик чигитларни экишга жўнатмасликлари керак.

Пахтачиликда илғор усул ҳисобланган туксизлантирилган уруғлик чигитни экиш жуда фойдалидир. Чигит аниқ ўлчаб экилганда уруғлик тежаб қолинади. Яганага ҳожат қолмайди. Яъни, хўжалик маблағи иқтисод қилинади.

Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларида бу усулдан кенг фойдаланилмоқда. Шу усул туфайли республика бўйича 400—500 минг гектар майдоннинг ҳар гектарига 40—45 килограмм, яъни икки маротаба оз уруғлик сарфланаётир. Лекин пахта тозалаш заводларидаги мавжуд туксизлантирувчи агрегатлар керакли эҳтиёт қисмлар билан тўла таъминланмаган. Уларни такомиллаштириш кўнгилдагидек эмас.

Агар чигитни туксизлантиришни яхши йўлга қўйсак, республика бўйича 100 минг тонна уруғлик чигит тежаб қолишимиз, қўшимча 18—20 минг тонна пахта мойи, чорва моллари учун қўшимча кунжара, шелуха, ем ишлаб чиқаришимиз мумкин.

Демак, бу усулни ҳамма ерда ривожлантириш шу кунниг энг асосий долзарб вазифаси эканлигини, унутмаслигимиз лозим.

Раҳим ИСАЕВ,
Узбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг деҳқончилик бошқармаси бошлиғи.

Ўрмонжон МУЙДИНОВ,
Пахта уруғчилиги бошқармасининг бош мутахассиси.

янгиликлар Воқеалар хабарлар

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

ТЕМИРЙЎЛ ҲАЛОКАТИ ОҚИБАТИ ТУГАТИЛДИ

● АЛМАТИ. Ангати бекатида темир йўлнинг юк ташувчи поезди ҳалокатга учрагандан кейин, орадан роса бир ҳафта ўтиши билан унинг оқибати тугатилди.

Ғарбий Қозоғистон темир йўлининг бу участкасида юк ташиш доимо тиғиз бўлганлиги учун ҳам ҳалокат оқибатларини тезда тугатишга ҳаракат қилинди. Ҳалокат оқибатларини тугатишда маҳаллий таъмирловчилар билан бирга Россиянинг Илецк бекатидаги хамкасблар қатнашдилар.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ЖУМҲУРИЯТ ФУҚАРОЛАРИГА МУРОЖААТИ

● АЛМАТИ. Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мамлакат фуқароларига мурожаат этди. Унда ўқ отиш қуроллари билан жиноятлар содир этилаётганлиги хусусида жиддий ташвиш билдирилади.

Мурожаатда таъкидланишича 1991 йилда бундай қуроллар билан беш юзга яқин жиноят содир этилган бўлса, ўтган йили бу рақам мингдан ошиб кетди. Шу жумладан 206 та қотиллик килинди. Жиноятларнинг саксондан ортиқ фоизи ички ишлар идораларида рўйхатдан ўтказилмаган ов милтиқлари ишлатилиши билан боғлиқ. Бунинг бир қатор сабаблари аниқланмоқда. Ов милтиқларининг эгалари ўз қуролларини сақлашга бепарво қарамоқдалар. Бундан ташқари қурол-яроғларни ўғирлаш ҳам кўпайиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги ўзининг мурожаатида амалдаги қонунчилик бўйича қурол-яроғлари, ўқ дорилари ва портловчи моддаларини ўз ихтиёри билан тегишли идораларга топширган фуқароларга нисбатан жиноий ва маъмурий жавобгарлик қўлланилмаслигини маълум қилади.

МАЪМУРИЙ ИДОРАЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ

● АШГАБАТ. Февраль ойининг бошларида Туркманистон Прокуратураси коллегиясининг кенгайтирилган кенгаши бўлиб ўтди.

Унда Адлия вазирлиги, Олий Суд ва Олий хўжалик суди, Ички ишлар вазирлиги ва Туркманистон чегара қўшинлари бошқармаси бошлиқлари қатнашдилар. Бу кенгашда прокуратура идоралари ходимлари олдида турган вазифалар аниқлаштириб олинди, ўтган йили ишда йўл қўйилган камчиликларни тугатиш юзасидан топшириқлар берилди.

МАБЛАҒЛАР ҚАЕҚҚА ҒОИБ БЎЛАДИ?

● ДУШАНБЕ. Тожикистон Республикасида Россиянинг янги пул белгиларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишга бўлган уриниш ҳамон тўхтамаётир. Январь ойининг кейинги ўн кунлигида 53 марта ана шундай ҳодиса юз берганлиги қайд этилди. 3 миллион рублни ташқарига олиб чиқиб кетишга ҳаракат бўлганлиги аниқланди.

ЧЕРНОМИРДИН ҚИРҒИЗИСТОНДА БЎЛИШ НИЯТИДА

● БИШКЕК. Февраль ойининг охирларида Россия Бош вазири В. Черномирдиннинг Қирғизистонга сафар қилиши кутилмоқда. Бишкекда икки давлат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик масалаларининг кенг мажмуаси муҳокама қилинади.

Учрашув чоғида асосий истеъмолчилари Россияда бўлган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Қирғизистон—Россия инвестиция фондини яратиш борасида фикрлар алмашуви бўлиши кутилмоқда. Бундан ташқари русийзабон қирғизистонликларнинг кўчишини тўхтатиш ва бошқа соҳаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги масалалар ҳам муҳокама этилади.

ҲАҚИҚИЙ ХАЗИНАЧИЛИКДА ПУЛ ҲАМ, МАБЛАҒ ҲАМ ТЕЖАЛАДИ

● АЛМАТИ. Қозоғистон Республикасининг Президенти Н. Назарбоев фармонига кўра, республика Молия Вазирлигининг Хазначилигини яратиш ишлари бошланди.

Бу янги идора ўзининг бир талай юмушларидан ташқари, республика бюджети маблағларидан фойдаланувчи вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналарда пул муомаласи ва ҳужжатлар ҳаққонийлигини текшириш ҳуқуқига эга бўлади.

ДЕҲҚОНЛАР ИШ БОШЛАШДИ

● ХЎЖАНД. Ленинобод вилоятининг бир қатор хўжаликларида донли экинларни тезкор усулда экиш ишларига киришилди.

Агросаноат комплексининг касаба уюшмалари республика ҳукуматидан барча тоифадаги, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ходимларига қиш фасли учун энг кам миқдордаги маошдан кам бўлмаган ҳажмда маош тўлашни биринчи навбатда тезкор ҳал этилишини сўраб мурожаат этди.

Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Президиумининг фармонига биноан фавқулодда ҳолатдан ташқари мустасно тарзда февраль ойининг учинчи ўн кунлигида колхозчиларнинг 5-анжуманини ўтказиш юзасидан ижозат берилди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

янгиликлар Воқеалар хабарлар

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 52

1994 йил 26 февраль

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА!

USAID

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

ИМОРАТЛАР КАЛИТИ — БОЙЛИКЛАРНИНГ ОЛТИН КАЛИТИДИР

4 март куни Наманганда бўладиган Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган давлат корхоналари ким ошди савдосида қуйидагилар Сизни кутмоқда:

1. Наманган шаҳар коммунал хўжалик ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибидаги Наманган шаҳар Машраб кўчасида жойлашган **7 қаватли 374 ўринли «ЧОРСУ» меҳмонхонаси** 100 ўринли ресторани билан, ишловчилар сони 53 та. Мустақил балансга эга. Бино замонавий услубда қурилган бўлиб, инженерлик-коммуникациялари марказий коммуникациялар тизимига боғланган. **«ЧОРСУ» меҳмонхонасининг дастлабки сотилиш баҳоси — 700 млн. сўм-купон (асосий воситалар ва майда жиҳозлар сақлаб қолинган ҳолда).**

2. Наманган шаҳар кооператив савдо идораси балансида бўлган. МАШРАБ номли истироҳат боғидаги «ОЛАТАУ ЧОЙХОНАСИ. Бино бир қаватли, ғиштдан миллий услубда қурилган, гумбазсимон ёпиққа ёзги майдонга, рельеф ҳисобига ертўлага эга. Чойхонанинг тўла ишлаши учун керакли жиҳозлар ва иш шароитлари мавжуд. **Дастлабки сотилиш баҳоси — 20 млн. сўм-купон.**

3. Наманган кооператив чўл савдоси бирлашмаси балансида бўлган Наманган шаҳар Машраб номли истироҳат боғида жойлашган **«ТУРК ҚАЛЪАСИ» ПАВИЛЬОНИ.** Павильон ўлчами 6х6 м, гумбазли, тўрт бурчагида минорага, унга бириктирилган ер сатҳидан 2 м баландликда бўлган «Г» шаклидаги ёзги майдонга эга. **Дастлабки сотилиш баҳоси — 18 млн. сўм-купон.**

4. Ўрта Осиё темир йўли Фарғона бошқармасининг Наманган ишчи таъминот бўлими балансида бўлган Наманган шаҳар Машраб номли истироҳат боғида жойлашган **«БУХОРО» ЧОЙХОНАСИ.** Чойхона асосан темирбетон конструкцияларидан шарқона меъморчилик услубида қурилган бўлиб, ўртасида 28х15 метр ўлчамли сув ҳавзаси мавжуд. **Дастлабки сотилиш баҳоси — 23 млн. сўм-купон.**

5. Наманган шаҳар Совет районидаги Дўстлик шоҳ кўчасида Тўқимачилар маданият саройи ёнида жойлашган **«КИТОБ САВДО МАРКАЗИ» тугалланмаган қурилиши,** Лойиҳа-смета ҳужжатларида асосан қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 20 фоизга бажарилган. **Дастлабки сотилиш баҳоси — 60 млн. сўм-купон.**

6. Учқўрғон шаҳар Дўстлик кўчасида жойлашган 54 ўринли **«УЧҚЎРҒОН» МЕҲМОНХОНАСИ.** Меҳмонхона шаҳар коммунал хўжалик ишлаб чиқариш бирлашмаси балансида, бино ғиштли, 2 қаватли, 0,10 га ер майдонига эга. Меҳмонхонанинг 1-қаватида тижорат дўкони ва сартарошхона ишлаб турибди. **Дастлабки сотилиш баҳоси — 38 млн. сўм-купон.**

7. Учқўрғон бозори атрофида жойлашган тугалланмаган **2-тоифали «ДОРИХОНА»** қурилиши 0,08 га майдонга жойлашган. Лойиҳа-смета ҳужжатларига эга. **Дастлабки сотилиш баҳоси — 8 млн. сўм-кулон.**

8. Учқўрғон шаҳар марказида жойлашган 105 ЎРИНГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТУГАЛЛАНМАГАН МЕҲМОНХОНА ҚУРИЛИШИ Норин дарёси қирғоғида, Наманган, Учқўрғон йўлёқасида жойлашган, ер участкасининг майдони 0,10 га, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 50 фоизга бажарилган. Бино лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан 1984 йил нархларида — 1453,0 минг сўм. 4 қаватли, ғиштдан. **Дастлабки сотилиш баҳоси — 30 млн. сўм-купон.**

9. Тўрақўрғон район умумий овқатланиш корхона балансида бўлган, район маркази Косонсой сойи ён бағрида жойлашган **«ТЎРАҚЎРҒОН» РЕСТОРАНИ.** Ресторан ер майдони 0,36 га, ободонлаштирилган, фаввора ва бир қаватли қўшимча ёзги биноларга эга. Ишловчилар сони 4 киши. **Дастлабки сотилиш баҳоси — 90 млн. сўм-купон.**

10. Тўрақўрғон район марказида жойлашган ва **тугалланмаган 2-ТОИФАЛИ «ДОРИХОНА» қурилиши,** Лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан қурилиш майдони 0,12 га. **Дастлабки сотилиш баҳоси — 28 млн. сўм-купон.**

11. ТОШКЕНТ МЕХАНИКА ЗАВОДИНИНГ Тўрақўрғон районидаги Оқтош қишлоғида қурилиши бошланган **«НАМАНГАН» ФИЛИАЛИ.** Қурилиш комплексининг умумий смета қиймати 1991 йил баҳосида — 8171,28 — минг сўм, қурилиш-монтаж ишлари — 5.556,26 сўм. Завод қурилишига ажратилган ер майдони — 4 га. Умумий иш ҳажми 15 фоиз бажарилган. **Дастлабки сотилиш баҳоси — 105 млн. сўм-купон.**

12. Поп райони Ш. Мирсултонова номли жамоа хўжалиги балансида бўлган район марказида жойлашган 30 ЎРИНЛИ 2 хонали ЧОЙХОНА биноси. Бино 1 қаватли, ғиштдан қурилган, ер участкаси майдони 0,15 га. **Дастлабки сотилиш баҳоси — 31 млн. сўм-купон.**

13. Поп райони Ш. Мирсултонова номли жамоа хўжалиги балансида бўлган РАЙОН МАРКАЗИДАГИ бир киришда 26 кишини қабул қиладиган, гумбазсимон қурилган ҲАММОМ. Ер участкаси майдони, 0,35 га, алоҳида қозонхонаси суюқ ёқилғи ва табиий газ билан ишлашга мослаштирилган, ободонлаштирилган. **Дастлабки сотилиш баҳоси — 27 млн. сўм-купон.**

14. Задарё райони Жомашўй посёлкаси Озодлик кўчасида қурилиши бошланган 50 ЎРИНЛИ ҚАҲВАХОНА дўконлари билан. Объект — район ҳокимлиги балансида. Бино 1 қаватли, ғиштли. Қурилиш 1993 йилда бошланган, ҳозирда қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. **Дастлабки сотилиш баҳоси — 16 млн. сўм-купон.**

15. Наманган район «Зарбдор» жамоа хўжалиги балансида бўлган Наманган шаҳар Марғилон кўчасида жойлашган ҲАММОМ, биринчи қаватида чойхона, иккинчи қаватида 30 ўринли меҳмонхонаси билан. **Дастлабки сотилиш баҳоси — 338 млн. сўм-купон.**

КИМ ОШДИ ОЧИҚ САВДОСИДА ҚАТНАШИШ ШАРТЛАРИ

1. Ким ошди савдосида юқорида қайд этилган объектлар бўйича ўзининг аниқ сотиб олиш дастурига эга бўлган нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар(ёши, миллатидан қатъи назар) иштирок этишлари мумкин.

2. КИМ ОШДИ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ:

Вилоят давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармаси ҳузуридаги «КИМ ОШДИ» савдосини ўтказувчи комиссияга белгиланган тартиб «КИМ ОШДИ» савдосида иштирок этиш учун ариза (ариза ушбу эълон қилинган кундан бошлаб уч ҳафта мобайнида қабул қилинади);

— объектнинг дастлабки сотилиш баҳосига нисбатан (10 фоиз миқдорида гаров пулини вилоят давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармасининг тегишли банкдаги махсус ҳисобига ўтказиб, тўлов қоғози нусхасини;

— нодавлат юридик шахслар қўшимча равишда нотариал ёки рўйхатдан ўтказишни амалга оширган ташкилот томонидан тасдиқланган таъсис ҳужжатларининг нусхасини «ким ошди» савдоси комиссиясига тақдим қиладилар.

Объектнинг сотилиш қиймати бирданига ёки

— 40 млн. сўмгача бўлгани 1 йилгача,

— 100 млн. сўмгача бўлгани 3 йилгача,

— 100 млн. сўмдан юқорироқ 5 йилгача бўлиб-бўлиб тўланиши мумкин.

Объектнинг қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти ишловчиларни иш жойларини сақлаб қолиш, объектдан тўғри фойдаланиш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, маҳсулот тури ва миқдорини кўпайтиришни кўзда тутилгани ҳолда берилади.

Тугалланмаган қурилишларни сотиб олувчилар тўлов пулларини тўлаш тартибларидан қатъи назар объектларнинг келгусида хизмат йўналишини ўзгартириб ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат ва бошқа соҳаларга мослаштириб фойдаланиши мумкин.

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЯКУНЛАШ ТАРТИБИ ВА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

«КИМ ОШДИ» очиқ савдосига қўйилган шахсларга савдода қайси рақам билан иштирок қилиши, хусусийлаштирилган объектнинг номи, САВДОни ўтказишнинг асосий шартларини ўз ичига оладиган «ким ошди» савдоси иштирокчиси чиптаси берилади.

Ушбу эълон матбуотда чиққандан сўнг уч ҳафта муддат ўтгач «ким ошди» савдоси комиссия томонидан ўтказилади. **Юқоридаги объектлар бўйича «ким ошди» савдоси 1994 йил 4 март соат 14.00 да Наманган шаҳар, Б. Машраб кўчаси 2-уй, ХДП вилоят Кенгаши биносининг катта мажлислар залида ўтказилади.**

«Ким ошди» савдоси жараёнида энг юқори баҳони таклиф қилган сотиб олувчи ғолиб ҳисобланади. Объектни «ким ошди» савдосида сотиб олаётганда харидор гаров суммаси хусусийлаштириш битимининг тўлов суммасига киради ва у сотувчида аукцион ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун қолади. Аукционнинг бошқа ҳамма қатнашчиларига гаров суммаси аукцион натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб белгиланган муддат ичида қайтариб берилади.

Аукцион савдоси қоидаларига асосан савдо ўтказиладиган кунга қадар қатнашувчилар шахси бир-биридан сир сақланади.

КИМ ОШДИ САВДОСИ КОМИССИЯСИ

ТЕЛЕФОНЛАР: НАМАНГАН (836922) 6-89-13, 6-82-45, 6-37-63. ТОШКЕНТ: (83712) 39-41-24.

«БВВ» газетаси — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитасининг расмий реклама-бизнес шериги.

ISC

ИНВЕСТИЦИОННАЯ КОМПАНИЯ

ISC Инвестиция компанияси Ўзбекистон пойтахтида 1994 йилнинг 1 мартидан компаниямиз очилиши муносабати билан табриклайди

ISC

-бу сизнинг омонатларингиз уч йилда 15-30 баравар ошиш учун катта имкониятдир

-биринчи талаб бўйича 24 соат давомида фойизларини қўшиб ҳисоблаб қайтариб бериш кафолатидир.

Сизни қуйидаги манзилгоҳ бўйича агентликларда кутамиз:
Анҳор бўйи,8,"Ўрда" бекати,
шаҳар ОВИРи ёнида тел. 41 20 24
Матбуотчилар кўчаси, 32
"Шарқ" ИПК клуби

«НАВОИЙАЗОТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ:

ПОЛИАМИД — 6 (донадор) қуйма деталлар конструкцияси шаклида электротехника, машинасозлик, автомобилсозлик, асбоблар ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарида ҳамда турли техника соҳаларида қўлланилади. Полиамид — 6 дан конструкциялаш мақсадида ишлатиладиган қисмлар: тишли ғилдираклар, трумтаклар (подшипниклар), втулкалар, стерженлар, ғалтаклар, вентилятор парраклари, халқ истеъмоли моллари учун айрим қисмлар тайёрланади.

ПОЛИАКРИЛАМИД — кимё саноатида, тоғ кимёси, кўмир саноатида, нефть қазиб олиш саноатида, қора ва рангли металлургия саноатида, сув таъминотида, ичимлик хўжалик сувларини тозалашда, шунингдек, қоғоз-целлюлоза корхонасида ва тўқимачилик саноатининг барча тармоқларида қўлланилади.

СИРКАЛИ НАТРИЙ (Натрий ацетет)

Енгил саноатда, кимёвий корхоналарда дори тайёрлаш — фармацевтика соҳасида, анилинли бўёқ саноатида ва соғлиқни сақлаш тиббиётида қўлланилади.

РУХЛИ АЗОТ ҚИСЛОТАСИ, 6 СУВЛИ.

Металлургия, авиация, кимё машинасозлик саноатларида деталларни рух билан қоплаш учун ишлатилади.

БАРИЙЛИ АЗОТ ҚИСЛОТАСИ. Шиша саноатида, кимёвий реактивлар, пиротехник аралашмалари, эмал ишлаб чиқаришда ва сантехник жиҳозларини қоплаш учун қўлланилади.

МАНЗИЛ: 705800. Навоий шаҳри, 5-уй.

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

АЛОҚА ТЕЛЕФОНИ: (8.436.22) 9-22-04.

ТЕЛЕТАЙП: 108731 Азот.

«АКАТЕКС»

Тўқимачилик саноат ва тижорат «ЛТД» қўшма корхонасининг «ЗИНГЕР» маркали тикув машиналари 1851 йилдан буён жаҳон чеварларига асқотмоқда.

Меррит Зингер 1851 йилда яратган тўнғич тикув машинаси модели суратдаги кўринишда эди.

Ҳозирда компьютерли тикув машиналари ишлаб чиқариш технологиясининг энг сўнгги ютуғидир.

Қўшма корхона қуйидаги ишларни бажаради:

ТЎҚУВ ЦЕХЛАРИНИ ТАЙЁР ҲОЛДА КАЛИТИ БИЛАН ТОПШИРАДИ.

ТЕРИНИ ҚАЙТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ ҚУРИБ БЕРАДИ.

ТИКУВ МАШИНАЛАРИНИ ВАЛЮТАГА ҲАМДА БАРТЕР ҲИСОБИГА СОТАМИЗ.

Мурожаат учун манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй. ТЕЛЕФОН: 67-77-03, 68-24-18

ФАКС: (3712) 67-77-03.

«ЎЗИНБАНК»

1993 йил иш якунлари бўйича акционерларнинг йиллик йиғилишини ўтказади

ЙИҒИЛИШ 15 МАРТ КУНИ СОАТ 10 ДА ТОШКЕНТ ШАҲАР, ЎЗБЕКИСТОН ҚЎЧАСИ 9-УЙИДА (ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТЕГРАСИДА) ЎТКАЗИЛАДИ.

Банк акционерлари номидан йиғилишда биринчи раҳбарлар иштирок этишлари лозим. Агар биринчи раҳбар қатнаша олмаса, унда акционер вакили фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими кўрсатилган ишончномани ва овоз бериш учун рухсатномани тақдим этиши лозим.

Кун тартиби юборилади.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

55-82-59 (қабулхона), 54-06-61, 55-74-62.

«ДИЛБАР» — хотин-қизлар кичик корхонаси қошидаги Ўзбек ҳунармандчилиги ва амалий санъати мактабига 14 ёшдан ва ундан юқори ёшда бўлган хотин-қизларни

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ:

1. Тикувчиликнинг барча турлари;

(кашта, попоп, чарм буюмлари тикиш, замонавий ва миллий кийимлар тикиш ва бичиш).

2. Қандолатчиликнинг барча турлари;

Ўрта Осиё ва Европа халқлари қандолатчилик маҳсулотлари.

3. Пазандачилик, Ўрта Осиё ва Европа халқлари миллий таомларини тайёрлаш.

4. Тўқувчилик, тўқув машиналари ёрдамида ва қўлда тўқишни ўрганадилар.

5. Амалий санъат.

Ҳар хил ўйинчоқлар тайёрлаш, безаклар, гуллар ясаш, бўёқлар билан буюмларни безаш ва зеб бериш (миниатюра).

Ўқиш давомида ишлаб чиқариш жараёни ҳам бор. Ҳунармандчилик мактабини аъло баҳолар билан тугатганлар ушбу «ДИЛБАР» фирмасига ишга таклиф қилинади. Барча юқорида кўрсатилган ҳунар бўлимлари бепул ўргатилади.

Ўқиш муддати 1 йил.

Ўқишлар ҳунар бўлимлари тўлиши билан бошланади.

Бизнинг манзилгоҳимиз:

Халқлар Дўстлиги майдони 3-уй, телефон эрталаб 45-98-51, соат 18.00 дан кейин 72-91-71, 29-58-71.

ТАШКИЛОТ

ҲАР ҚАНДАЙ ЯНГИ ЁКИ ФОЙДАЛАНИЛМАГАН ПРЕССЛАШ, МЕТАЛЛ ҚИРҚИШ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ

СОТИБ ОЛАДИ

Воситачилар хизматларига ҳақ тўланади.

ТЕЛЕФОН: (3712) 54-64-70 соат 7.00 дан 15.30-гача ва 21.00 дан 24.00 гача.

ЖАМОА ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИ, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ИДОРА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон зиёлилари илмий-маърифий уюшмаси (собиқ «Билим» жамияти) ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман, шаҳар ташкилотлари:

иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш;

— Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўтишининг ўзига хос йўллари;

— аҳолини ижтимоий ҳимоялаш;

— ташқи иқтисодий алоқалар;

— ички ва ташқи сиёсат;

— Ўзбекистон мустақиллигининг мафкуравий масалаларини кенг ёритишда билим тарқатишнинг барча шакл ва усуллари (лекциялар, давра суҳбатлари, баҳслар, семинарлар, конференциялар ва ҳ. к.) бўйича чекланмаган миқдорда буюртмалар қабул қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 44-58-51, 44-61-50.

Жойларда уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман, шаҳар ташкилотларига мурожаат қилишингиз мумкин.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Сариқ касаллигига чалинганлар, меъда яллиғланиши, ўт пуффаги шамоллаган беморлар учун 15 турдаги доривор тоғ ўтлари тўпламини

СОТАМИЗ

Ушбу шифобахш ўтлар тиббий текширувдан ўтган ва кўплаб беморлар бундан шифо топганлар.

Мурожаат учун телефон: 66-30-96 (соат 19.00 дан кейин).

Ташкилот: нақд ҳисобкитобга қуйидаги канцелария товарларини таклиф этади:

1. 6 ва 8 хил рангдаги фломастерлар.

2. Ручкалар учун стерженлар.

3. Шарикли ручкалар.

4. Уч ва олти хил рангдаги қаламлар ва бошқа канцелярия маҳсулотлари.

Мурожаат учун телефонлар: 33-79-14, 33-72-83, 32-53-06, 32-53-05, 29-81-57.

МУАССИСЛАР: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ОСИЁ БОЗОРИ» ГАЗЕТАЛАРИ ИЖОДИЙ ЖАМОАЛАРИ.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-76--04, 32-53-15, 33-38-55, 32-57-19, 32-54-12.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 324, 330-хоналар. Индекс: 75487.

• МИЛЛАТ РУҲИ •



СУРАТДА: Орифҳожи Алимахсумов маҳалла фаолларн даврасида. А. ТЎРАЕВ олган сурат.

ҲОФИЗ БОБО, ҲОЖИ БОБО...

Ўзбекистон халқ ҳофизи Орифҳожи Алимаҳсумов билан мулоқот

...Бир қўшиқ эшитгим келди. Эзгин-эзгин қўшиқ бўлса эди. Билмадим, фалакми ё сирли руҳми, олис-олислардан бир тиниқ навони кўнглимга тўкаверди.

Гоҳ шундай вазият сизда ҳам бўлади. Эсланг: юрагингизни ўртайдиган оҳанглар тинглаб, бенихтиёр ўзингиз ҳам жўр бўлиб қўшилиб кетасиз ё бошингизни ирғаб қўяверасиз.

Рост, одамнинг кўнгли нозик. Гоҳ сен дунёга сиғмай кетасан, гоҳо дунё сенга. Ана шундай пайтда бир қўшиқ бўлса. Айниқса машҳур ҳофиз Ориф Алимахсумовни эшитсанг...

Кўпдан бери шу ҳофиз бува ҳақида ўйлаб юрувдим. Ниҳоят...

Ҳожи бобо Яккасарой масжидининг ёнғинасидаги шинам ҳовлида яшар эканлар. Саломаликдан сўнг у кишидан ҳол-аҳвол сўраган бўлиб, «қалай, яхши дам олиб юрибсизми?» дедик. Ярим ҳазил, ярим чин аралаш кулимсираб, «Э қизим, одам иш пайтида дам олар экан. Ҳозир қайда, ташвиш кўп. Бу ёғи маҳалланинг ишлари, тўй-маърака дегандайин... сиз бўшсиз, бемалол, деб ҳамма ишни юклаб қўйишаверяркан. Ҳа, майли халққа хизмат қилсак арзийди. Тирикликнинг ўзи одам билан-да. Шунинг учун юртимизнинг тинчлиги, халқимизнинг осойишта яшашлиги учун дуогўй бўлиб юрибмиз...».

Барибир катта ҳофизнинг салобати, жарангдор овозда гапиришлари мени сал ўйлаброқ, мулоҳаза ва истиҳола билан савол бермоққа ундади. «Домла» дея мурожаат қилдим.

— Домла, ҳузурингизга келишдан аввалроқ кекса журналистлардан бири қизиқ гап айтиб қолди. Яъни, сиз ёшлигингизда, қора костюм-шим, оқ кўйлакда чиқиб, ойнаи жаҳон орқали бир қўшиқ куйласам, армоним йўқ, деган экансиз...

Ҳофиз кулимсираб гап бошладилар:

— Энди бу, 55—56 йиллардаги гап. Мен эстрадада ишлардим. Телевидение янги очилган пайтлар. Ҳафтада икки кун кўрсатув бўларди. Ўшанда телевизорда кўринаётган, санъаткорларга ҳавас қилиб, менам шулардай халқ кўзи ўнгида намоён бўлиш бахтига шояд лойиқ бўлсам, деган гаплар кўнглимдан ўтиб юрарди. Чорсудан юқорироқда бойнинг эски ҳовлисига тушган Нодира номидаги тўлиқсиз ўрта мактаб бор эди. Ўша ерга маҳалладаги болалар билан ўқишга борардим. Менга ўзи, ёшлигимдан Худо юқтирган экан-ми, биринчи-иккинчи синфда ўқиб юрган вақтларимда катта танаффус пайтида, билган ашулаларимни тенги-тўшларимга айтиб берардим. Шу пайтлар, яъни 34—36 йилларда Тошкентда камдан-кам оилаларда сим билан тортилган радиокарнай бўларди. Тошкентда 27-йилда радио очилган бўлса, тўрт-беш йилдан кейин тараққий топиб, секин-секин одамларнинг хонадонида пайдо бўла бошлади. Бизнинг маҳалламизда икки кишиникида, биттаси Жўравой ака деган милиция бошлиғиникида, иккинчиси Усмон домланикида радио бўлгучи эди. Шуларникига тортилган сим бизнинг томимиз тепасига қўйилганди. Ўшанда қулоққа тутадиган радио бор денг. Менинг қизиқишим шу даражадаки, дадам раҳматлига қўймай шуни олдиртиргандим. Кечқурун қоронғу бўлди дегунча чиқиб, иккита симни радиога улаб тушардим-да, уйда то уйқум келгунча қулоғимга қўйиб ўтириб, ҳар кунданги айтилган қўшиқларни секин «магнитофон»га ёзиб олардим. (У киши кулимсираб бошларига ишора қилдилар). Қоғоз, қаламмас...

Шу ашулаларнинг куйини ўрганганимдан кейин, у ер, бу ердан сўзини топиб, гез кунда, ҳофизларнинг ижросида янграган, ўзим ёқтирган яхши қўшиқларни дарров ёдлаб олардим. У вақтда кўпроқ радиога чиқиб турадиган ҳофизлар, Худо раҳмат қилсин Карим Зокиров, ака-ука Субҳоновлар, Акбар Ҳайдаров, Эшмат Ҳайдаров, Турғун Каримов, Озод Абдуллаев, аёллардан Ҳалима опа Носирова, Назира Аҳмедова, Мавлуда Аъзамова, Башорат Хўжаева эдилар. Шулар айтган қўшиқнинг қайси бири табиатимга тўғри келса, дарров ўрганиб, катта танаффусда мактабда айтиб берардим. Менам болалардай эркин ўйнашни орзу қилардим, лекин улар қўймай ҳар галги танаффусда мени тутиб обкелишиб, ашула айттиришарди...

— Сиз, бир дунё кўрган одамсиз. Очарчилик, уруш йилларининг азоблари. Шундай қийин даврларда қўшиқ айтиш, эшитиш қандай кўнгилга сиғарди?

— 8—9 синфни битирган пайтимда уруш бошланиб қолди. Акаларимни аскарликка олиб кетишди. Ўша вақтларда маҳалламиздаги тенгқур, ўспирин болалар Муқимий номидаги театрда ишларди. Театрнинг обрўси баланд маҳаллар. Ўша ерда ёшлар студияси очилганди. Ҳалиги болаларнинг ёзиб олиб ўрганган қўшиғини бир марта эшитсам эртасига шулар билан бирга ижро этаверардим. Хотирам яхши эди.

Радио менинг ҳақиқий устозим бўлган десам лоф бўлмас. Юнус ака ансамблининг бадиий раҳбари. Гоҳ-гоҳида най ҳам чалиб, дутор чалиб ашула айтардилар. Тўйчи ҳофиз овозининг туби йўқ домла Ҳалим Ибодов билан ҳамнафас бўлардилар. Тошкентга ҳар замон Самарқанддан келиб турадиган, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов ижросида янграган қўшиқларни биноийдек ўрганиб, ижро этадиган бўлиб қолгандим.

Энди қизим, кўнгил гоҳ суюнса, гоҳ эзилса қўшиқ эшитгиси келади. Юракка қўшиқ сиғарди ўша маҳаллар.

Уруш тугагач, 1947 йилда Тошкент тўқимачилик комбинатига ишга кирдим. Ва шу ерда ўн йил дастгоҳ тузатадиган устага ёрдамчи бўлиб ишладим. Менинг биринчи касбим тўқувчилик. Шу вақтдаям қўшиқни ижро этишни тарк этмаганман. Чунки менга берилган табиий овоз бу соҳадан ҳеч кўнглимни совутмади. Кечалари сменадан келаётганимда то уйга етгунимча қўшиқ хиргойи қилиб келардим. У вақтда тўй-ҳашамлар жуда кам, урушдан янги чиққан, иқтисодий танглик бошланган йиллар секин-аста ашулачи сифатида халқнинг назарига туша бошладим. Қаерга борсам «Текстилчи ашулачи, текстилчи ашулачи келди», деган гап бўларди.

Менинг ҳақиқий устозим Эшмат ака Ҳайдаров эди. Катта ашула сирларини, классик қўшиқларнинг аксариятини у кишидан ўрганганман. Бир куни кўришиб қолдик. Овозимни эшитиб, «Овозингиз менинг овозимга монанд экан, шогирд бўлинг», деб ўз ёнига тортди. Аслида у ёғини сўрасангиз, Эшмат ака бешариқлик машҳур ҳофиз Ҳамроқул қори деган санъаткорнинг энг сўнгги шогирди бўлганлар...

— Қизиқ-да, энди, шундай оғир замонларда сиздай бошловчи, ҳавасманд йигитга шундай катта назарли инсонларнинг устозлик қилгани...

— У пайтлариям филармония бўлиб, Муҳаммаджон Мирзаев ишларди. У мени филармонияга олиб борган ҳам. Катта оркестрда ашула айттириб кўриб, шу ерга ашулачи сифатида ишга оламиз деган. Лекин тўқимачиликни ташлагим келмай, ўрганиб қолган жойим деб ўз касбимни кўзим қиймай, бормадим. Бу 50-йиллар эди. У қаерда мени кўрса, сен истеъдодингнинг қадрига етмаяпсан йигит, деб қойирди. Ва ниҳоят 1956 йили эстрада театрига шу кишининг ўзлари эрталаб олиб бордилар. У ерда бадиий кенгашга таништирди. Камтар Отабоев директор, Шариф Рамазонов бадиий раҳбар экан. Улар саҳнада ашула айтганимни кўриб, бу бинойидек профессионал экану, тўғридан-тўғри ашулачи сифатида бирор ансамблга берсак, тортадиган кучи бор экан-ку, дейишди. Ўша кундан бошлаб эстрада театрига ашулачи сифатида ишга қабул қилишди. Ўша ансамблда республикада хизмат кўрсатган артист, кўп санъаткорларга устозлик қилган Наби ака Ҳасановдан санъат сирларини ўргандим ва кўпгина санъаткорлар билан ишлаш бахтига Оллоҳ лойиқ кўрди... Ана шу устозлар, қизиқишим, табиий берилган қобилият мени ҳозирги даражамга етишишимга катта поғона вазифасини ўтаган.

— Энди асосий мавзуимиз мақом санъати ва унинг оғир-енгил ташвиш-азобларн тўғрисида сўзлаб берсангиз. Чунки бугунги кунда бу соҳага ёшларнинг енгил муносабат билдираётганидан кўпчилик устоз санъаткорлар ташвиш чекишяпти.

— Мақомнинг ўзига яраша сиру асрори бор. Бизга қадар етиб келган мусиқий рисолаларда берилган маълумотларга қараганда, X аердан то XVIII асргача ўн икки мақом ҳисобланган бўлса, XVIII асрга келиб, дунё мусиқий билимдонларининг йиғилишида услуби, ижросидаги принципи бир-бирига яқин бўлганларини ихчамлаштириб, олти мақом шаклига келтирилган. Бу олти мақомнинг ҳар бирининг ўзига хос ижро йўли бор. Ўзига яраша сиру жозибаси бир-биридан мутлақ фарқ қилади. Икки юз элликта насрий йўли, яъни қўшиқ йўли ва бунинг мушкулоти ёки ҳар қайси мақомда 8—12 тадан чолғу йўли бор. Баъзиларида бундан ҳам ортиқроқ.

Мақом тубсиз денгизга ўхшайди. Унда сеҳру жоду мавжуд. Ички мукаммаллик мужассам. Бу баркамол қўшиқ. Инсон руҳиятидаги дардчил армонларни ўзида зоҳир этган нодир ашулаки, уни тушунмоқ, англамоқ учун, тингловчи бор вужуди билан берилиб тинглашни билиши керак. Шунинг учун ҳам баъзи енгил-елпи қўшиқларни, мақомдан ором оладиган мусиқа шинавандалар унчалик хуш кўрмайдилар. Ҳали сиз куйинаф айтаётган ёшларнинг енгил муносабати ҳам шундан.

Албатта ҳар қайси қўшиқнинг ўзига яраша давраси, тингловчиси бор, аммо мақомни тинглаб, ундан ҳузур топадиган кишилар учун, енгил-елпи қўшиқлар иккинчи даражали бўлиб қолади. Айниқса, кейинги вақтларда сифатсиз, тутуруғи йўқ, ўйноқи қўшиқлар турли ижрочилар тарафидан ижро этилиб келинятти. Лекин уларда мақомдан нишона олинган ҳеч бир жойи йўқ.

Энди мақом ижрочилиги масаласига келсак, мақом ижрочиси бўлишлик учун табиий берилган қобилият ҳамда икки октавали, яъни, ўн тўрт пардага муомала қила оладиган овоз соҳибигина мақомни мукаммал ўрганиб, ижро эта олади. Чунки ҳар қайсисининг ўзига яраша ижрочидан куч, табиий қобилият талаб қиладиган томонлари кўп. Ҳар ким ҳам мақом ижрочиси бўла олмайди.

— 50—70-йилларда мақом санъатининг аҳволи анча оғир кечган дейишади. Негаки, ҳар бир босган қадамимизга, тутумимизга «тузатиш»лар авж олган пайтлар бўлган. Бу албатта миллий мусиқа санъатини ҳам четлаб ўтмагандир?

— Урушдан кейин янгиланиш даври бошланди. Шунда бастакорларнинг асарларидан бошқа қўшиқлар саҳнадан тушиб кетди. Азалдан одми, ҳар нарсадан таскин изловчи ўзбекнинг руҳиятига мос мумтоз ашулалар ўрнини, оркестр ижросидаги, оврупача йўналишли қўшиқлар эгаллай бошладиким, бу бора-бора одамлар онгида енгил фикрлашга, жўнликка мойиллик пайдо қилди. Замонавийлаштирамиз деб, халқимиз мероси, миллий мусиқамиз иккинчи, учинчи даражали бўлиб қолди. 50—60-йилларда мусиқий меросимизга ҳатто эскилик сарқитидек қаралди. Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, олтин зангламас деганларидек, ўз вазнига эга бўлган мусиқий меросимиз яна қайта кўз оча бошлади. 1957 йили ўзбек радиоси қошида халқ чолғу оркестри ташкил этилди. Ўзбекистон халқ артисти Дони Зокиров ҳамда Юнус ака (Ражабий — таҳририят)нинг ташаббуслари билан 57 — йили май ойида радио куни ўтгандан кейин ўша ерда илгари ишлаган санъаткор, ҳофизлар қайтадан ишга қабул қилинди. Аввалига катта оркестр, кейин секин-секин халқ чолғу ансамбллари тузила бошлади. Мени ҳам ўзбек радиосига ишга таклиф қилишди. Бу ерда катта санъаткорлар билан ишлаш бахтига муяссар бўлдим. Радиодек муқаддас даргоҳда ўттиз йил узлуксиз ишладим. Шу йиллар орасида Юнус аканинг ташаббуслари билан ўзбек радиосида «Мақом» ансамбли тузилди. У киши ёзган асарларнинг энг сўнгги китоби ҳам мақомга тааллуқли эди. Улар расмий «Мақом» ансамбли ташкил қилганларидан кейин ўша ерда доимий ҳофиз сифатида мени ҳам ишга олиб қолди. Бир неча йил Ўзбекистон халқ ҳофизи Ортиқхўжа Имомхўжаев билан ҳамнафас бўлдим. Олти мақомни деярли ҳам пластинкага, ҳам магнит. лентларига туширишни Оллоҳ лойиқ кўрди. Мақомдаги мураккаб қўшиқларнинг деярли 80—90 фоизини ижро этганман.

Юнус Ражабийдек ўз ишининг билимдони, устоз, ҳалол инсоннинг руҳлари олдида доим таъзим бажо келтираман. Беш вақт намозимда аввало ота-онамга бир қалима Қуръон ўқисам, бир калима ҳар иккала устозимга ўқиб, уларнинг руҳини ёд этаман. Юнус ака хаста бўлиб қолганларида васият қилувдилар, вафотларидан кейин «Мақом» ансамблига мени раҳбар этиб тайинлашди. Ўн йил ана шу хайрли ишнинг давомчиси бўлиб қолдим. Ў кишидан олган барча билимларимни жамоамиз, қолаверса, мақом санъатининг ривожи учун қўлимдан келган барча меҳнатларимни аямадим.

— Мақом ашулаларини ижро этаётган ҳофиза аёлларимиз хусусида ҳам икки калима сўз айтсангиз.

— Боя юқорида айтганимдай, мактабда ўқиб юрган пайтларимдаёқ аёл санъаткорларга ҳавас қилганман. Чунки улар ҳавас қилишга арзийди. Айниқса, Лутфихон ая Саримсоқова, Ҳалима опа Носирова, Назира Аҳмедова, Берта Давидовалар ўзига хос овозлари билан халқни тўлқинлантирган. Овозлари самимий, беғубор эди. Чунки улар катта билимга эга бўлиб, устоз кўрган, шунинг билан биргаликда санъаткорга хос ҳулқ-атворга, фазилатларга эга бўлганлар. Булар ҳозирги аёл санъаткорлардан ўктамлиги, фозилалиги билан фарқ қилганлар. Кейинги пайтларда айрим аёл санъаткорларнинг қадам олишлари, халқ онгида, аёлдан ҳақиқий санъаткор чиқмайди, деган фикр уйғотган. Йўқ, ундай эмас, аёллардан ҳам зўр санъаткор чиқади. Фақат билим, сабр-тоқат, оқилалик бўлиш талаб этилади. Шундагина эл назарида яхши таассурот қолдиради, санъати қадр топади.

— Қўшиқчиликда овоз жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги куйловчиларнинг овозлари негадир ўзгарувчан. Сизда эса ўша ҳар доимгидек вазмин ва салобатли, жозибадор ва таъсирчан овозингиз бир маромда. Қаерда эшитиб қолсак, дарров танийміз.

— Овозни ривожлантиришда нафасга эътибор бермоқ керак. Ўпкага беш литрдан ортиқроқ ҳаво боради. Ана шу ўпкани ҳар хил касалликлардан, шамоллашдан асраш керак. Ҳуда-беҳуда чиранниш, ичкилик, турли ҳаром таомлар истеъмол қилишлик овозга салбий таъсир этади. Кейин овоз биринчи навбатда табиий берилган бўлиши керак. Табиий овоз бўлмас экан, тақлидан куйлайдиган санъаткорлар овози яшовчан бўлмайди. Бунинг акси ўлароқ табиий берилган овозга эса сайқал бермоқ лозим. Овозингиз билим, ақл доирасига ҳам боғлиқлик жиҳатлари бор. Савод даражаси етарли бўлган кишиларда овоз кўркам бўлади. Шунинг учун санъаткор билим соҳиби ҳам бўлмоғи керак.

— Ҳозирги мақом ижрочилигидан, унинг шинавандаларидан кўнглингиз тўладими? Шогирдларингиз тўғрисида ҳам тўхталсангиз.

— Ҳозирги мақом ижрочилиги ривож топиб бормоқда. Айниқса, республикамиз мустақил бўлгандан кейин миллий қадриятлар тиклана бошлаганлиги, албатта ўз навбатида миллий мусиқанинг ҳам сайқал топишига катта йўл очиб бермоқда. Тошкент Давлат консерваториясида Шарқ факультети ташкил этилди. Унда билимдон мударрисларнинг таълимидан баҳраманд бўлиб, халқимизнинг мусиқий меросини келгуси авлодга етказишда катта журъат билан иш олиб бораётган ёшларимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор. Уларга буюк устозлар сингари халқ дилидан жой олишларини сидқидилдан тилаб қоламан. Ана шу ёшларнинг кўпини мақом сирларидан воқиф этдим. Ўн йил мобайнида консерваторияда, театр-рассомчилик институтида анъанавий қўшиқчиликдан, мақом сирларидан ёшларга таҳсил бердим. Уларнинг ҳар қайсисининг қанчалик кучга эга эканлигини биламан.

Ҳозирда мақом ансамблини бошқариб турган бастакор, ўхшаши кам ижрочи Абдуҳошим Исмоилов, Маҳмуд Тожибоев, Ҳуррият Исроилова, Маҳмуджон Йўлдошев, Матлуба Дадабоева, Раҳматжон Қурбонов, ака-ука Ваҳобовлар, Эркин Рўзиматов, Машраб Эрматовлар умидли ёшлар. Улар ҳалол хизматлари билан халқимизнинг қалбида ўчмас из қолдирадиган санъаткорлардир. Ана шулар шогирдларим.

Уларнинг аксарияти ёшлар ижросидаги мақом конкурсларида голиблик супасига кўтарилиш бахтига муяссар бўлдилар. Энди уларнинг шинавандаларига тўхталадиган бўлсак, замона зайлими, айниқса ёшлар анча дидсизланиб қолган. Аксари ёшларга мазматраси йўқ қўшиқлар қўл келмоқда. Улар шуни эшитди, дегунча жазавага туша бошлайдилар. Бақир-чақир, олатасир рақслар негадир авж олиб кетмоқда. Бу албатта ёшларимизнинг ақл, савод даражасига ҳам боғлиқ. Кўпчилик оилаларда болага етарли тарбия бера олмаслик, едириш-ичириш, кийдиришдан ташқари, уларнинг маънавий камол топишига эътибор бермаслик ҳам бунга ўз таъсирини ўтказади. Шунинг учун инсонга аввалambор, ким бўлишидан қатъи назар тарбия керак. Тарбияли киши ҳеч қачон зарар келтирмайди.

— Суҳбат аввалида сизга домла деб мурожаат қилдим. Сабаби, сиз нафақат машҳур ҳофиз, балки саводли, ҳар томонлама баркамол инсонсиз. Албатта мақтов гаплар юзга айтилганда ноқулайроқ бўлар. Лекин керак пайтда ҳақ гапни айтиш лозим. Сизнинг таҳририсиз гапиришингизнинг ўзи бир санъат. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувн берилдиган кунни икки оғиз ибратли сўзингизни эшитиш учун кутадиган мухлисларингиз ҳам беҳисоб десам янглишмайман. Кўпгина санъаткорлар суҳбат чоғида гапларини эплаб гапиролмаганини сезаман. Билим довраларн саёз, умрида бирор бир китоб, журнал-газета ўқимаган, енгилтабиат, на диний, на дунёвий томондан бехабар, диднсиз санъаткорлар ҳам бор. Улар сал «чет»роққа чиқишса ўзбекни уялтириб қўйишмасмикин?

— Агар санъаткор қуруқ қобилият билан юксак поғонага эга бўламан деса хато қилади. Келажакка умид назари билан қарайдиган киши маза-бемаза ишларга қўл урмаслиги, халқ орасида яхши амаллар бажариб юришлиги керак. Токи одамлар уни нафақат санъаткор, балки яхши фазилатлар соҳиби сифатида тилга олишсин. Шунингдек, турли билимлардан хабардор бўлиб туриш ҳам санъаткор учун катта аҳамиятга эга. Буюк зотларнинг давомчилари сифатида, уларнинг меросини сақлаш, қадрлаш шарт. Қадр билмаган одам, қадр топмайди.

— Мусулмончиликнинг беш фарзларидан бири бўлмиш ҳаж сафарига бориш сизга насиб этди. Ана шу муборак зиёрат ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Менга икки йўла ҳаж сафарини Оллоҳ насиб этди. Албатта қийинчиликлар, оч-наҳор, чанқоқ қолишлар бўлди. Лекин муқаддас ҳаж олдида булар унча кўзга кўринмади. Бу сафаримнинг яна бир диққатга сазовор тарафи шунда эдики, Маккаи Муаррамада ҳам, Мадинада ҳам эфир орқали бизнинг қўшиқларни берилиб тинглашаркан. Кўпгина санъаткорларимизни танишаркан. Ўрта Осиёдан бориб, турғун бўлиб қолган кишилар 700 мингга яқин экан. Улар ана шу ўзбек миллий санъатини зўр қизиқиш билан кузатиб боришаркан. Жумладан, каминани ҳам кўплар биларканлар. Уйга таклиф қилганларнинг саноғи йўқ. Улгурганимизга бордик, улгурмаганга узримизни қабул қилишларини сўрадик.

— Ўтган ҳар бир кун, ҳатто соатлар ҳам одамзот учун ғаниматдир. Чунки умр ўтяпти. Мана сиз ҳам олтмиш остонадан ўтиб, бир қур ортингизга қараб қўйгандирсиз. Чунки сизлар катта ҳаётни кўрдингизлар. Қувонч, ҳам, армон ҳам етиб ортгулик...

— Оллоҳга беадад шукрлар бўлсин (Ҳофиз бир зум сукут сақладилар ва ўйчан давом этдилар). Сўнгги вақтларда тез-тез касалхонага тушадиган бўлиб қолдим. Ёшим ҳам олтмишга етгач, ўз хоҳишим билан ариза бериб, дам оламан деб кетдим. Қолган ҳаётимда соатга қарамасдан ишласам, яшасам деган мақсадим бор эди. Истеъфога чиққан йилим маҳалламиздагилар оқсоқолликни олишни тавсия қилишди. 1987 йилдан бери Яккасарой туманидаги энг катта маҳаллалардан бири, ўзим яшаб турган — Яккасарой маҳалла оқсоқоллигини эплаб турибман. Тез-тез радиога, телевиденнега чақиришиб, баъзи ишлар тўғрисида маслаҳатга йўқлаб туришади. Қисқа ижрочилар қаторида ойнаи жаҳонда, гоҳида радиода бўладиган эшиттиришларга таклиф қилишади, бораман. Сўнгги вақтларда халқимиз севган «Оталар сўзи—ақлнинг кўзи» кўрсатувини ишониб топширишди. Қўлдан келганча шу вазифани ҳозир адо этиб турибмиз.

Олти фарзандим бор, тўрт ўғил, икки қиз. Ҳаммалари олий маълумотли, оилали. Невара-эвараларимизнинг дуоларини қилиб юрибмиз.

— Энди рухсатингиз билан яна бир нарса ҳақида сўрасам?

— Марҳамат

— Агар малол келмаса, яхши кўрган бирор ашулангизни ҳиргойи қилиб беринг.

Ҳожи бобо бир оз ўйга толдилар. Кейин:

— Яхши кўрган ашулам... Э, қайси бирини айтайин, болам? Ҳаммасини яхши кўриб куйлаганман-да. Хай майли, биттасини айта қолай:

Эй Насимий субҳи аҳволим дилоромимга айт,
Зулфи сунбул, юзи гул сарви хиромонимга айт,
Бу кн лаълн ҳасратидин қон ютарман дам-бадам,
Лабзи ширин, лаълн рангин шўхи ҳуд комимга айт.

Ориф ота кўзларини юмиб, бир лаҳза жим қолдилар, Сўнг... секингина «бу наволар одамни олис-олисларга олиб кетади-да», деб қўйдилар. Мен бўлсам...

Мен ҳам сизга ўхшаган бир оддийгина шинавандаман-да. Не дейин? Кўнглим бир эзгин-эзгин наводан таскин изларди. Қўшиқлардан руҳий бир мадад олгучимиз-да.

Сиз ҳам шундай. Йўқса, ул навони бунчалар берилиб тингламасдингиз.

Меҳри АЛИМҚУЛОВА суҳбатлашди.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ТЕЗКОР ТАДБИР НАТИЖАЛАРИ

АНДИЖОН вилоятининг Балиқчи туманида оператив тадбирлар натижасида салкам қирқни қоралаб қолган тўрт йигит бир тенгдошига 3 миллион сўм бермасанг ўт қўйиб, уйингни портлатиб юборамиз, деб қўрқитиб, ундан пул олаётган пайтда ушландилар. Шу билан бирга тинтув чоғида мазкур жиноятчилардан бирининг ёнидан «Револьвер» тўппончаси ва 7 дона ўқ чиқди.

Андижон туманида яшовчи 1954 йилда туғилган шахснинг уйидан эса «В—6870 М» ва «М—4367» рақамли мушак отувчи мосламалар, 5 дона ўқ, шунингдек, 50 дона ўқи билан бир дона 16 калибрли ов милтиғи, 580 дона кўкнори бошоқлари, 1 литр сиғимли шиша банкада наша ўсимлиги уруғи ва 15 дона гугурт қутичага жойланган гиёҳвандлик моддаси топилди.

САМАРҚАНД вилоятининг Ургут туманида ўтказилган тезкор тадбирлар вақтида туман мактабларидан бирида ўқитувчилик қилувчи 54 ёшли кишининг уйидан 21 кило кўкнори топилди.

«ТЕЛПАККА ИШҚИБОЗЛАР»

ФАРҒОНА вилоятининг Олтинариқ туманида яшовчи кишининг 300 минг сўмлик телпаги, 80 минг сўм пули ва 20 минг сўмлик чиройли безакли пичоғини тортиб олиб кетган зўравон ушланди. Отаси тенги кишига тажовуз қилган 21 ёшли йигит З. Гайдуллин қилмишига яраша жазосини олади.

СУРХОНДАРЁ вилоятининг Термиз шаҳрида яшовчи 27 ёшли жувоннинг уйи эшигини бузиб кирган босқинчилар унинг 2 дона гилами, кийимлари ва умумий нархи 3 миллион сўмлик турли хил буюмларини олиб кетишади. Босқинчиларни учун ушланган уч шахс ҳам тергов идораларида қилмишлари юзасидан «ҳисобот» беришмоқда.

ТОШКЕНТ вилоятининг Янгийўл шаҳрида яшовчи кимса фарғоналик меҳмонни қўрқитиб норка телпаги ва қимматбаҳо шарфини тортиб олган.

Бешариқдан келган меҳмоннинг арз додини тинглаган ички ишлар ходимлари унинг телпагини зўравондан қайтариб олиб берди. Бироқ, меҳмон «энди Тошкентга қундуз телпак кийиб келмайдиган бўлдим» деди.

ГАДОНИНГ ДУШМАНИ ГАДОМИКАН?

ҚАШҚАДАРЁ вилоятининг Қарши шаҳридаги темир йўл бекати назоратчиси Ахунзяновга пичоқ билан тан жароҳати етказган жиноятчи тузоққа тушди. У 1964 йил туғилган тошкентлик фуқаро экан.

ТОШКЕНТ шаҳрининг Сирғали туманидаги хонадонлардан бирида яшовчи Н. Вагизашев ўзи билан бирга яшаётган 36 ёшли аёлнинг кўксига пичоқ уриб яралади. Касалхонада вафот этган аёлнинг қотили прокуратурада тергов бермоқда.

БУХОРО вилоятининг Бухоро районида жойлашган 7142-жамғарма банки қоровулини ўлдирган қотил ушланди. Қизиғи шундаки, «Гадонинг душмани гадо бўлади» деганларидек қоровулнинг қотили ҳам қоровуллар орасидан топилди.

Шуҳрат РУЗИЕВ,
Республика ИИВ Матбуот маркази ходими.

ЭР-ХОТИННИНГ УРУШИ...

Термиз шаҳрида яшовчи Баҳодир Турсунов хотини Саломат Баротова билан тез-тез «айтишиб» турарди. Бундай пайтда ҳа, энди «Эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуришн» деб ўзимизга таскин берамиз. Аммо, бу жанжал натижаси ундай бўлмади. Баҳодир Турсунов жаҳл устида хотинига бир неча бор пичоқ тиқиб олди. Эндигина 23 ёшни қаршилаган Саломат эса шу жойдажон берди. Баҳодир содир этган жиноятини тўлиқ бўйнига олиб жаҳл устида қилган бу қилмишидан пушаймон. «Сўнгги пушаймон-ўзинга душман».

ТЕЛЕВИЗОР КУШАНДАЛАРИ

Ҳозирги иқтисодий танглик кишиларимиз турмуш тарзига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Айрим кимсалар танг аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли сифатида ўзини ўғирликка ураётганлиги сир эмас. Шеробод туманидаги «Хатак» давлат хўжалигида яшовчи Аминқул Беккелдиевнинг хонадонидан «Горизонт» маркали телевизори ва 2 дона аёллар туфлиси ўғирланган эди. Олиб борилган оператив қидирув ишлари натижасида ҳамкишлоғи 33 ёшли К. Э. аниқланди ва қўлга олинди.

Сариосиё туманидаги Сариосиё жамоа хўжалигида яшовчи Исмоилова Маликанинг хонасидан ҳам «Изумруд-309» телевизори ўғирланган эди. Кўрилган тезкор қидирув ишлари натижасида ҳамкишлоқлари 26 ва 19 ёшли 2 нафар шахс ушландилар.

Термиз шаҳрида яшовчи Краснов Маратнинг ҳам «Аврора» маркали телевизори йўқолганди. Тезкор қидирув ишлари бу телевизорнинг янги «эгалари» Сариосиё ва Ангор туманларда яшовчи 28 ва 32 ёшли шахслар эканлиги аниқланди. Осонгина йўл билан телевизорли бўлишни кўзлаган бу шахслар қилмишларига яраша жазоларини тортишади.

ИШСИЗЛАР «ТАДБИР» УЮШТИРДИЛАР

Тан касаллиги бўлгани сингари яшаш тарзида ҳам касаллик бўларкан. Ҳозирги иқтисодий тақчиллик шароитида давлат ва фуқаролар мулкларини ўғирлаш ҳоллари худди юқумли — касалликлар сингари урчиб бормоқда. Бундай жиноятга қўл ураётганларнинг кўпчилиги эса ишлаш жойининг тайини йўқ шахслардир.

Термиз шаҳрининг 5-кичик даҳасида жойлашган 1-сон тижорат дўкони эшигининг қулфларини бузиш йўли билан дўкондан умумий миқдори 1 миллион сўмдан зиёд ҳар хил саноат моллари ўғирланди. Тезкорлик билан олиб борилган қидирув ишлари зое кетмади. Шу шаҳарда яшовчи 22 ёшли Андрей ва Фарид исмли ҳеч қаерда ишламай юрган ёшлар далилий ашёлар билан ушландилар. Уларнинг шерикларини ҳам ушлаш чоралари кўрилди. Хуллас, ишсизлар уюштирган яна бир «Тадбир» барбод бўлди.

МОЛ УҒРИЛАРИ

Қумқўрғон туманидаги Бойматов номли жамоа хўжалигида яшовчи Худойберди Эшназаров даладаги молхонасидан бир йўла 4 бош қорамоли ўғирланганлигини маълум қилди. Тезда туман ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи милиция майори Абдураҳмон Бозорбоев бошчилигида оператив гуруҳ тузилди. Гуруҳ аъзоларининг сўраб-суриштириш, излаш ва сидқидилдан қилган меҳнатлари зое кетмади.

Шўрчи туманининг «Коммуна» жамоа хўжалигида яшовчи 30 ва 25 ёшли 2 нафар шахс далилий ашёлар билан қўлга олиндилар. Худди ўша кечаси Бойматов номли жамоа хўжалигидаги Худойназар Пардаев, Жаббор Ражабов, Тошбадал Ўтагановларнинг ҳам 7 бош қорамолларини бу шахслар ўғирлаганлигини тан олишди.

ДАВЛАТ МУЛКИГА ТАЖОВУЗ

«Бу кўҳна дунёда ҳамма нарсани сотиб олиб фойда кўрса бўлади», деб ўйлаган Шўрчи туманидаги қишлоқ хўжалигини химиялаштириш омборхонаси мудири Зокир Эшназаров шўрчилик Абдулло Исматов билан 5 тонна корбалинни 54 минг сўмга савдолашаётганда милиция ходимлари томонидан ушланди. «Тадбиркор» нисон ўзининг «Бизнесменлик» фаолияти билан «қамалиб чиқкан» деган бир умрлик тамға оладиган бўлди.

С. НОРМУРОДОВ,
Сурхондарё вилоят ИИБ матбуот гуруҳи ходими, ички хизмат катта лейтенанти.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 28. II

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Усмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 Кинолавҳа.
19.25 Бир жуфт қўшиқ.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Яшил бойлигимиз».
21.30 Бир асар тарихи. Ойбекнинг «Навоий» романи ҳақида.
22.40 «Ҳуқуқий жамият сари».
23.10 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.30 Фильм-концерт.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Истиқбол эгалари».
21.25 «Жиноят ва жазо». Бадиий фильм. 1—2-серия.

● «ОРБИТА IV»

6.30 «Тонг».
* * *
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20, 21.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.25 Мультфильм.
18.40 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.55 «Гол».
19.25 «Миниатюра».
19.40 «Турмуш иккир-чиккирлари». Бадиий телесериал премьераси. 37-серия.
20.10 «Кремль деворн ортида».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Сен бу ерда бахтлимисан, Рудольф Нуриев!». В. Вульф.
22.10 «Матбуот-экспресс».
23.15 Олимпиада кундалиги.
23.40 «Ўтган кунлар, ўтган оқшомлар...». Татьяна Окуневская. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
00.55 «Кино талаб қилинади».

● «ДУБЛЬ IV»

21.55—22.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.50 «Асил қолича».

Сешанба, 1. III

● ЎзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 «Чипполино». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Алгоритм ижрочилари.
11.00 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Атом ва унинг тузилиши.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» устахонаси.
18.35 Мухбирлар ҳикоя қилади.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Мусаввир». Телефильм.
19.35 «Сен баҳорни сағинмадингми!». Адабий-мусиқий композиция.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Ислоҳот ва масъулият».
21.20 Актёрлар ва роллар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдушоир Салимов.
22.20 «Танқо сузиш». Бадиий фильм.
23.50 «Ўзбекистон» ахбороти.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Менн ўлди десалар ишонма». Бадиий фильм.
20.30 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
«ОМАД» таништиради:
21.15 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

6.30 «Тонг».
* * *
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20, 21.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.25 «Парда ортида».
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Протокол сатрларида».
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Бомонд».
21.45 Режиссёр Л. Пчёлкин фильмлари. «Юрак тош эмас». 1-серия.
23.00 Янгиликлар.
23.35 Режиссёр Л. Пчёлкин фильмлари. «Юрак тош эмас». 2-серия.
00.45 «Матбуот-экспресс».
00.55 «Қитъа: кеча ва бугун».
01.30 «MTV».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.55 «Сиёсат майдонида».
*
21.50—22.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.50 Санъат майдони. «Шунчаки дўстлар» фестивали.
23.30 «Ҳеч ким унутилмайди».

Чоршанба, 2. III

● ЎзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 Республика газеталарининг шарҳи.
9.25 «Давроннинг саргузаштлари». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Термоэлектр ҳодисалари. Вакуумда электр токи.
11.00 «Кичкинтой» студияси. «Мусиқа менинг қалбим».
11.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.45 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Зандона сири». Телефильм.
18.25 Лотин имлосига муқаддима.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Осойишталик посбонлари». Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот марказн хабар қилади...
19.35 «Тилга эътибор».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда».
21.45 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови.
22.35 «Ўзбекистон» ахбороти.
22.55 «Туш ўнгидан келди, ёки Чемодан». Бадиий фильм.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Спринт».
19.35 «Дарвоқе...»
20.00 «Шаҳар юмушлари».
21.00 «Олтин қидирувчи». Бадиий фильм. 1—2 серияллар.

● «ОРБИТА IV»

6.30 «Тонг».
* * *
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20, 21.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.25 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.50 «Театр+ТВ: Константин Райкин йирик планда».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 Катталар учун мультфильм.
21.50 Футбол. Чемпионлар лигаси. «Спартак» (Москва) — «Барселона» (Испания). «Лужники» Катта спорт майдонидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Матбуот-экспресс».
23.55 Янгиликлар.
00.30 «Максима».
01.00 Футбол. «Уэмбли сари йўл».

● «ДУБЛЬ IV»

18.00—20.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 286-серия.
20.55 «Кутиш зали».
*
21.45—22.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.55 «Россия қобусномаси».
23.25 «Мансаб алифбоси».

Пайшанба, 3. III

● ЎзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 «Қиз ўғирлаш». Бадиий фильм.
10.50 «Таълим ва ислоҳот».
10.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.25 «Ёшлик» студияси. «Садо».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Бизнес мактаби».
18.40 «Унутилган ўйинлар». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Ботма, қуёш!» Публицистик кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 Ўзбек куй ва қўшиқларидан концерт.
21.30 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Қодир Маҳсумов.
22.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
22.50 «Маҳбубим, азизим, суюклигим». Бадиий фильм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Шифокор суҳбати.
20.15 «Пульс». Хабарлар.
20.30 Телефильм.
«ОМАД» таништиради:
21.00 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

6.30 «Тонг».
* * *
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20, 21.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.25 «Лабиринт».
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 «Кинопанорама».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Шоҳона ов». 1 ва 2-сериялар («Ленфильм», «Голос» киностудиялари).
23.50 «Матбуот-экспресс».
24.00 Янгиликлар.
00.35 Футбол. Чемпионлар лигаси.

● «ДУБЛЬ IV»

18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.00 «Соло».
20.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 287-серия.
*
21.45—22.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.55 «Уз-ўзига режиссёр».
23.25 «Март ойининг киноси».

Жума, 4. III

● ЎзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 «Болажон қиз». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Йиртқичлар туркуми.
11.00 «Ота—ўғиллар». Телефильм.
11.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.45 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Тошкент—Сиэтл». Телефильм.
18.25 «Тадбиркор».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 Телефильм.
19.30 «Ўзбекона лутф».
20.00 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 Бевосита мулоқот.
21.50 «Хонанда билан учрашув». Илҳом Иброҳимов.
22.25 «Марду майдон». Бизнес-шоу. Сирдарё вилоятидан кўрсатув.
23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Мусиқий меҳмонхона».
20.05 Телефильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Ҳамкорлик уфқлари».
21.35 «Аёлни қидиринг». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● «ОРБИТА IV»

6.30 «Тонг».
* * *
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20, 21.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.25 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.30 «Эрмитаж». Кўп серияли телефильм премьераси. 5-фильм.
19.00 «Ҳафтанинг акс садоси».
19.30 П. Вирский номидаги Украина Давлат академик рақс ансамблининг концерти.
20.00 «Қадри билинди...». Рина Зеленая.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Филин ва мушукча». Бадиий фильм премьераси.
23.15 Галина Вишневская «Останкино»да.
00.05 Янгиликлар.
00.40 «Минг бир кеча». Мусиқий кўрсатув.
01.40 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

14.15—18.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
14.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
14.25 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўли».
15.10 «Безнен мирас» (татар тилида).
15.50 «Сиёсий портретга чизгилар». Джон Мейджор.
16.10 «Дидар» (қозоқ тилида).
16.55 «Умид» (уйғур тилида).
17.45 «Бу ажиб дунё».
*
18.00—19.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.05 «Сталин сиз биланми!». Видеофильм премьераси.
19.35 «Усталар». Татьяна Лаврова.
20.20 Телэкранда премьера. «Аёл ҳамма учун». Бадиий фильм (субтитр билан).
*
21.45—22.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.55 «А» программаси.

Шанба, 5. III

● ЎзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 Республика газеталарининг шарҳи.
9.25 «Ун минг бола ва яна бир бола». Бадиий фильм.
10.40 «Шоҳрух» клуби.
11.10 «Кичкинтой»га хат келди.
11.40 «Иқтисодимиз таянчлари». Бекобод металлургия комбинатининг 50 йиллигига.
12.10 Хор куйларидан концерт.
12.40 «Мулоҳаза». Аббос Бақиров номидаги Андижон Ёшлар театри ҳақида.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари».
18.40 «Шеърий дақиқалар». Фароғат Камолова.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.25 Эълонлар.
19.20 Санъат усталари ижросида концерт.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Ижодий учрашувлар». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов.
21.50 «Рақслар гулдастаси».
22.20 Телевизион миниатюралар театри.
23.00 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Болалар учун. «Табассум».
20.15 «Етти кўл». Телефильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «СПИД муаммоси». Бевосита мулоқот.
21.50 «Қиз-Жибек». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● «ОРБИТА IV»

6.30 «Тонг».
* * *
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20, 21.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.25 «Ҳунарли хор бўлмайди».
18.50 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
19.40 Мультфильм.
19.50 Эстрада концерти.
20.00 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Тузалмас». Бадиий фильм премьераси (Франция).
22.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
22.45 «Кино юлдузлари зиёфати».
23.30 «Мариинскда променад».
00.15 Янгиликлар.
00.30 «Мовий тунлар» кабареси. Мусиқий дам олиш кўрсатуви.
01.05 «Катта сайр».

● «ДУБЛЬ IV»

14.40—18.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
14.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
14.50 «Дунё аёллари». Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланади.
15.50 «Чинсэн».
16.30 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда».
17.10 «Дилга яқин қўшиқлар».
17.45 «Бу ажиб дунё».
*
18.00—19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.25 Киномарафон. «Малика Клевская». Бадиий фильм. «Тарих саҳифалари» туркумидан.
*
21.35—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.00 «Гоголь уйида кечалар». Кўрсатувни И. Золотусский олиб боради.

ҲАЁТИЙ ҲИКОЯТЛАР

Умрни гоҳ дарёга қиёслаймиз, гоҳ шамолга. Хуллас, бу сирли тилсимотнинг қиёсини ҳеч тополмаймиз. Лекин ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси бизлар учун ғанимат ва қадрли. Нега дейсизми? Чунки ўтаётган кунлар пешонамизга неки кечмиш битилган бўлса ҳаммасини аён қилади. Гоҳ куламиз, гоҳ...

Дарвоқе, журналист Ислом ШОҒУЛОМОВ ҳикоя қилиб берган қуйидаги воқеаларда ҳаётнинг нақадар қизиқ ва ғаройиб эканлигини яна бир бор англайсиз.

ОРТИҚБОЕВНИНГ ФАРМОНИ

Пахта яккаҳокимлиги йилларида ажойиб воқеалар кўп бўлганди. Қандай қилиб бўлса-да, режани бажариш ҳам қарз, ҳам фарзгина эмас, қонун эди.

Эсимда, 67-йилмиди, тўғрироғи, 68-йил бўлса керак. Куз ниҳоятда оғир келди. Ёмғир устига ёмғир ёғиб, охири қорга айланиб кетди. Шунда Сирдарё вилоятидаги кўплаб хўжаликларнинг режани бажариши гумон бўлиб қолди. Айрим колхозлар 60—70 фоизда қолиб кетди. Туманга марказда ўқиб, ўша ерда тарбияланиб, катта ишларда ишлаб келган йигит раҳбар бўлиб қолди. У йиғин ўтказиб, қолоқларга бирин-сирин дакки бера бошлади. Колхоз раисларидан бири режани ҳар қандай қилиб, ҳатто кўрпасидаги пахтани сотиб бўлса ҳам бажараман, деб қутулди.

Иккинчиси, бор пахтани топширдим, қолгани ёмғирда қолиб кетди, бошқа иложим йўқ, деб туриб олди.

Навбат Ортиқбоевга келди. У раҳбар ўғлим-ку, мени йиғилишда қизартирмас, деб ўйлаганди. Аммо ўғил:

— Қани, сиз нега режани бажармадингиз? — деб қолди.

— Қандай бажарай, ахир ҳаммасини кўриб турибсан, агар иложи бўлса номусим учун ҳам бажарардим.

— Мен ҳеч нимани билмайман. Режани бажаролмадингизми, марҳамат, катта кўча, колхозни топширинг!

Ҳеч ким бундай фармонни кутмаганди. Ота ҳам ўрнидан даст турди-да, мажлисдан кетмоқчи бўлди.

— Ҳа, йўл бўлсин, — деди ўғил жаҳл билан.

— Иш-иш, деб онангни унутиб юборгандим. Ҳа, энди бўш бўлганимдан кейин онангнинг олдига бораман-да, деб мажлисдан шартта чиқиб кетди.

Ортиқбоев ҳам узоқ раҳбарлик қилолмади. Йил якунларига кўра ишини эплай олмади, деб суриб юборилди.

— Шу-шу одамлар бирон бир раҳбар шошиб-пишиб бўйруқ чиқарса: — «Яна оқпадар Ортиқбоевнинг фармонидан бўлмасин» дейишадиган бўлишди.

ФЕЛЬЕТОНЧИНИНГ ПУШАЙМОНИ

Наманганда ҳам бир қадрдон дўстим бўларди. Қалами ўзига яраша эди. Матбуотда майда-чуйда хабарлари, ҳар замонда танқидий материаллари билан кўриниб қоларди. Кейинчалик ёзмай қўйдими, жимиб кетди. Бир кун суриштирдим. «Э, Қодир Ғойибовни айтяпсанми? У «машҳур фельетончи» бўлиб кетган. Вилоят газетасида ишлайди. Атрофдагиларни чирқиратиб ётибди. Савдо ходимлари билан апоқ-чапоқ эмиш», деган маълумот олдим. Ҳа, деб қўйдим, ичимдан куйиниб. Кейинчалик эсимдан ҳам чиқиб кетди.

Кунлар ўтиб хонамга узун пальто, увадаси чиқиб қолган кубанка кийган бир одам кириб келди. Эти бориб устихонига ёпишган, башараси бужмайган, кўса юзи ниҳоятда сарғайиб кетганди. Унга анқайиб турувдим бирдан:

— Танимадинг-а, хумпар. Мен дўстинг Қодир фельетончиман, — деб кўриша кетди.

Фельетон сўзини эшитгач, ўша гапни эслаб қолдим.

— Эй, бормисан. Қаёқлардан сўраймиз. Кўринмай кетдинг. Ҳар замонда газетада нарсаларингни ўқиб турардим, ўтир-ўтир, — дея унга меҳрибонлик қилиб жой кўрсатдим.

У креслога ястаниб ўтирди. Бир пиёла чой узатдим. Пиёлани оғзига олиб бораркан қўллари титрарди. Чойни хўпларкан тамакидан сарғайган тишлари кўринib яна ҳам раҳмимни келтириб юборди. «Ҳа, бошига бир иш тушибдида, тамом бўлибди» деган гап дилимдан ўтиб, уни овутадиган, кўнглини кўтарадиган гаплар билан қўйнига қўл солдим:

— Эшитишимча, зўр фельетончи бўлиб кетганмишсан...

— Ҳа, тўғри... лекин кейин адо бўлдим, соб бўлдим, — деди йиғламсираб. Чўнтагини кавлаб қутичаси эзилиб кетган сигаретни олиб столга қўйди. Битасини оғзига солиб ёндирди. Сўнг гугурт чўпи ташлашга жой қидириб, ўрнидан турмоқчи бўлди.

— Ўтиравер, ўтиравер, бемалол чекавер, — дея унга кулдонни узатдим. Кейин-чи, дегандек афтига қарадим.

— Шу дегин, фельетонни чиқараверибман, зиёфатга бораверибман. Ҳали у магазинчининг уйида, ҳали бу омборчининг сўрисида маишат қилаверибман. Колхоз раисларининг зиёфатларини гапирмасам ҳам бўлади. Шу десанг қайфу сафо билан юриб, уйланишни, бола-чақа орттиришни ҳам унутибман. Яхши ҳам чол-кампир бор экан, шулар кунимга яраб турибди. Бир кун дегин, ҳатто ўз отамни ҳам танимай қолибман.

— Эй қўйсанг-чи, наҳотки танимасанг.

— Ана, ишонмайсан-да. Қизиқ бўлди. Карахт бўлиб ётгандим. Отам қўлимга «бир сўмга нон олиб кел, қолганини газак қиларсан» дёб икки сўм бердилар. Жоним кириб кўчага чиқдим. Гузардаги дўкондан икки стакан барматухани олиб, ичиб газак қилиб тургандим, эски таништлардан бирини кўриб қолдим. Унга эргашиб колхозига кетиб қолибман. Уч-тўрт кун у ёқда қолиб кетдим. Отамнинг нонга пул бергани эсимга тушиб қолиб меҳмонхона столида қолган-қутганларни йиғиштириб, уйга равона бўлдим. Машинадан тушсам ёмғир қуяётган экан. Бошимни пальтонинг ичига олиб, деворни ушлаб кетяпман. Ҳамма ёқ балчиқ. Оёғимнинг бирини кўтарсам, иккинчиси лойга ботиб кетяпти. Унда-бунда кўзимга эласэлас кўринган тошларга оёғимни қўйиб кетавердим. Бир тошнинг устида аранг турибман. Бирдан рўпарамда қоп ёпинган бир чол пайдо бўлди.

— Йўл бер-и-нг, ўтиб кет-ай, — дедим унга ўшқириб.

— Қаёққа ўтасан, ахир у ёғинг балчиқ-ку, лойга ботиб кетасан занғар! — отамнинг овози эшитилди. Қарс этиб қулоқ чаккамга қўйворганини биламан, ундан кейин нима бўлди, билмайман. Кўзимни очсам сандалнинг четида ётибман. Не сўз билан айтай дўстим, отамни танимай қолибман, ўз отамни-я, ичкилик нимага олиб келди. Хор бўлдим, зор бўлдим, ошна! — у ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Қўй, хафа бўлма, касал бўлиб қоласан, — дедим уни аста юпатиб. Ма, чой ич.

— Одам бир оғиз ширин сўзнинг гадоси бўлиб қоларкан. Кимнинг олдига кирсам, мендан жирканади, қўл узатгиси ҳам келмайди. Битта сен кўнглимга қарадинг. Раҳмат. Эсимдан чиқармайман. Отам ҳам ўлди, бир онам қолди. Яқинда касалхонадан чиқдим. Яхшиямки одамгарчиликни биладиганлар бор экан, ишга ҳам жойлаб қўйишди. Фақат балойи нафсим деб ҳамма нарсадан айрилдим. Дўстлардан ҳам, қариндошуруғдан ҳам, қаламдан ҳам!

Ичкилик ўлсин... Шўримни қуритди. Манманликка берилиб, адо бўлдим, дўстим...

ОТА РИЗОСИ

Отам жуда талабчан одам эдилар. Уйда у кишининг айтганлари айтган, деганлари деган эди. Бирон тамиз гап қайтара олмасдик. Ҳатто кўчада юрганларида ҳам бирон бир одам олдиларидан кесиб ўтолмасди. Тўй-ҳашам, маъракаёки бирон йиғин отамсиз ўтмасди, Чойхонага кирганларида ёш-яланглар писиб чиқиб кетишар, қариялар ёки тенгдошлари ўзларини ўнглаб олишарди. Отамнинг феълини чойхоначимиз Аҳмад тажанг жуда яхши биларди. Сал гап қочдими, дарров пайровни шунга қараб «буриб» юборарди. Бир куни отам мени чақириб, акамни чойхонадан айтиб келишни буюрдилар. Чопиб чойхонага чиқдим. Қай кўз билан кўрайки, акам улфатлари билан ичиб ўтирган эканлар. Уларни четга имлаб отам чақираётганларини айтдим. У киши тайсалладилар. Буни чойхоначимиз кўриб турган экан.

— Мулла Музаффар, бу нима қилиқ? Отангизнинг феъли маълум, ҳозир чиқиб, дилингизни сиёҳ қиладилар. Фақат сиз эмас, бизни ҳам хафа қиладилар. Туринг ўрнингиздан. Уйга боринг, — дедилар.

У чойхоначининг гапини икки қилолмай орқамдан эргашиб йўлга тушди. Не кўз билан кўрайки, айвонда укам, ўртанча акам ўтиришарди. Улар бизни кўришди-ю, тезроқ келинглар имосини қилишди. рс

Отамнинг жаҳли чиққан. Қўлида и бир қоп сомонни йиткитиб юбориб бизга юзландилар:

— Мен тўрт ўғилни ота изидан юрмайдиган, измига бўйсунмайдиган қилиб тарбиялаган эканман-да. Йўқ, мен бунга йўл қўймайман. Бўлсаларинг шу пайтдан яхши бўлларинг, бўлмаса эртага мени юзимни ерга қаратмай, ҳозироқ интизомга киринглар. Ўзбошимча фарзандларга оталиқ қилиш отимга ор, авлодга номус!

— Отаси, бунча сиқилмасангиз, болаларингиз ёмон эмас, худога шукур ҳаммаси ҳам қобил, — дея онамиз гап бошловдилар.

Бирдан:

— Сиз гапга аралашманг. Тарбияда эркак киши гапирганда аёл киши жим бўлиши керак, акс ҳолда тарбия бузилади, — дедилар.

— Энди айтаман-да отаси, — онам титраб-қақшаб бизнинг ёнимизни олмоқчи бўлардилар.

— Этма! Мени отам ўлиб кетган, — дедилар аччиқланиб ва яна гапида давом этдилар.

— Агар фарзанд соли бўлса, ота-онанинг бахти. Эшитмаганмисан машойихларнинг пурҳикмат гапини.

Осмондан тушса Исо,
Қилса ҳақингга дуо!
Токи падар рози эмас,
Тавбанг қабул бўлмас сени!

— Шуни бир карра билларинг, аввало Исо осмондан тушмайди. Сендай ўзбилармон, кўчахандон фарзандларни дуо қилмайди. Борди-ю мен рози бўлмасам, ҳаммангни, ҳатто онангни ҳам дуо қилмайди. Рози бувингни ҳам югургани сомонхонагача бўлиб қолади. Бу гап ўнг қулоқларингдан кириб, чап қулоқларингда муҳрланиб қолсин. Қачонки, мен гапирдимми, тамом. Фикрлашга, муҳокама қилишга ҳақларинг йўқ. Агар Исо осмондан тушиб аралашса ҳам сўзимдан қайтмайман. Бор ҳамманг иш-ишингни қил.

Отамизнинг бу ҳукмларини эшитиб ҳаммамиз ишимизга киришиб кетдик. Биримиз молхонани тозаласак, иккинчимиз тезакни тўплашга, учинчимиз дошқозонни сувга тўлгизишга, акам эса томдан сомон туширишга, мен онамга қараша кетдим.

Мана шу гапларга салкам эллик йил бўляпти. Ота ҳукми вожиб, деб шунга айтадилар-да!.. Отамиз насиҳатлари ҳамон қулоқларимиз остида жаранглайди.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4-44-62; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—791. тир. 87.259. топширилди — 23.30.
Навбатчилар: М. МУҲСИМОВ, М. МИРФАЙЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.